БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 87 (3059). | Жума, 7 МАЙ 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ҲАҚИҚАТ ЖАРЧИСИ

Улуғ байрамлар ва муқаддас саналарга бой гўзал Май ойимизнинг яна бир шодиёна куни етиб келди. Бугун — радио куни! Бу кунни радио, телевидение ва алоқа ходимлари билан биргаликда барча совет кишилари байрам қилади.

Жонажон советлар диёри — радио ватани ҳам бўлганлиги билан чексиз фахрланамиз. Буюк рус олими А. С. Попов бундан 70 йил муқаддам жаҳонда биринчи радиоприёмникни ихтиро қилди. Маданият, техника ва тараққиётнинг қудратли қуроли бўлган радио тарихи ўша кундан бошланди.

Радионинг кашф этилиши фан ва техникани бекиёс ривожлантиришда янги давр бошлаб берди. Радиотехника қатор мустақил фанларнинг истиқболи учун пухта замин яратди. У халқ хўжалигимизнинг ҳамма соҳаларида кенг тадбиқ қилинадиган бўлиб қолди. Биз ҳозир космик телевидение асрида яшаб турибмиз. Яқинда учирилган «Молния-1» алоқа йўлдоши мамлакатимизда космик телевидениени бошлаб берди.

Радиотехника ва радиоэшиттиришнинг бекиёс равнақ топиши улуғ Ленин номи билан чамбарчас боғлиқдир. Доҳий гражданлар уруши вақтидаёқ мамлакатда симсиз эшиттиришни амалга ошириш ҳамда Москвадан туриб докладлар, нутқлар ва лекцияларни юз ва минг чақирим масофага эшиттириш лозимлиги тўғрисида орзу қилди. Радиони ҳақли равишда «қоғозсиз ва масофасиз газета» деб атади.

Буюк доҳи Ленин таъбири билан айтганда, радио коммунизмнинг ҳаётбахш ғояларини бутун жаҳон меҳнаткашларига элтувчи оммавий пропаганда воситасидир. У миллионларнинг оташин минбари бўлиб қолди.

Жонажон партиямиз радионинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдек муҳим ролига доим юксак баҳо бериб келяпти. Радио партиянинг содиқ ва таъсирчан идеологик қуроли сифатида хизмат қилмоқда. Ватанимизда радиоэшиттириш тармоқлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозир республикамизда бирон хонадон йўқки, у ерда кишилар радиодан баҳраманд бўлмасин. Серқуёш Ўзбекистондаги шаҳар ва қишлоқларнинг қарийб 90 проценти радиолаштирилди.

Колхоз ва совхозларда радио точкалари кўпайиб бораётганлиги ҳам қувончли бир ҳолдир. Областимиз хўжаликларида 29 минг 187 та радио точка ишлаб турибди. Радиоузеллар оммавий пропаганданинг чинакам ўчоқлари бўлиб қолди. Областимиздаги колхоз ва совхозларда 60 га яқин радиоузел ўрнатилган.

Радио билан бир қаторда телевидение ҳам фаровон турмушимиздан мустаҳкам ўрин олди. Тошкент телевизион маркази орқали берилаётган эшиттиришлар программасини республикамизнинг деярли ҳамма аҳолиси томоша қилмоқда. Областлараро телевизион программалар айирбошлашга асос солинмоқда. Москва — Саратов — Тошкент ўртасида кабель магистрали қуриш ишлари тугагач, Ўзбекистон аҳолиси марказий телевидение программаларини кўришга муваффақ бўлади.

Халқчиллик, оммавийлик ва юксак ғоявийлик совет радиоси ва телевидениесига хос хусусиятдир. КПСС XX ва XXII съездларидан сўнг радио ва телевидение эшиттиришларининг ғоявий ва бадиий савияси янада ошди. Улар анча қизиқарли ва мазмунли бўлиб қолди. Ўзбекистон радиоси, Тошкент телевизион студияси ўз тингловчиларига манзур бўла оладиган яхши эшиттиришлар ташкил эта бошлади.

Эшиттиришларнинг ранг-баранг ва таъсирчан бўлиши кенг омма билан алоқанинг яхши йўлга қўйилганлиги билан белгиланади. Ўзбекистон радиосининг кўпчилик редакциялари ўзларнинг актив мухбирлар постларига эга. Улар яхши таклифлар билан чиқмоқдалар.

Аммо, айрим эшиттиришлар зерикарлик бўлиб қолмоқда. Баъзан, уларнинг программаси пухта ўйланмасдан тузилади. Натижада улар бир-биридан кўпинча фарқ қилмай қолади. Бу ҳолни кўпроқ Ўзбекистон радиосининг Тошкент область эшиттиришлари программасида кўриш мумкин. Шунга эришиш кераккн, ҳар бир эшиттириш юксак дидли ва талабчан тингловчиларда яхши таассурот қолдирсин, уларга маънавий озуқа берсин.

Давр билан ҳамнафас бўлиш идеология фронти ходимларининг жанговар бурчидир. Коммунистик қурилиш ва партия идеология ишининг ҳозирги босқичидаги вазифалар радио ва телевидение ходимларидан тағин ҳам ташаббускорлик билан иш олиб боришни талаб этади. КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошириш соҳасида уларнинг олдида энг муҳим вазифалар турибди. Радио ва телевидение эшиттиришларида совет кишисининг ички гўзал дунёси, унинг меҳнат жасорати кўрсатиб берилиши лозим.

Радио ва телевидение янада кенг ривож топсин. Байрамингиз муборак, радио, телевидение ходимлари ва алоқачилар!

СОВЕТ МАТБУОТИ КУНИ ШАРАФИГА

МОСКВА, 5 май. (ТАСС). Бугун Совет матбуоти кунига бағишланиб, Союзлар уйининг колонна залида тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилиш иштирокчилари фахрий президиумга якдиллик билан КПСС Марказий Комитети Президиумини сайладилар.

«Партийная жизнь» журналининг бош редактори Е. И. Бугаев доклад қилди.

* * *

Кеча СССР Журналистлар союзи правлениеси, СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот бўлими ва чет мамлакатлар билан маданий алоқа давлат комитети матбуот бўлими Совет матбуоти куни муносабати билан қабул маросими ўтказдилар.

* * *

Ленин «Правда»си туғилган куннинг 53 йиллигини — Совет матбуоти кунини тантанали суратда нишонлаш учун Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари коллективларининг неча юзлаб намояндалари 5 майда Навоий номли опера ва балет театрига келдилар. Театр залида тўпланган кишилар журналистларни, ишчи ва қишлоқ мухбирлари, нашриёт ва босмахона ходимларини самимий кутиб олдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов қисқача кириш нутқи билан очди. Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Матбуот давлат комитети ва республика Журналистлар союзи чақирган.

КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Президиуми давомли қарсаклар остида йиғилишни фахрий президиумига сайланди.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қориев партиянинг содиқ ёрдамчилари бўлган совет журналистларининг шонли традицияларн, КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини амалга ошириш соҳасида уларнинг энг муҳим вазифалари тўғрисида гапирди.

Йиғилишда иккинчи вагон депосининг мастери П. Е. Лобанов, Тошкент давлат университетининг профессори Ш. З. Уразаев, Тошкент умумқўшин командирлари олий билим юртининг курсанти В. И. Ломейко, бадиий буюмлар фабрикасининг мастери Р. Хўжаевалар табрик нутқлари сўзладилар.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари учун катта байрам концерти қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

КУЛЬТИВАЦИЯ, СУҒОРИШНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК!

ПАХТАЧИЛИКДА ЕТАКЧИ КУЧ

(БУКА РАЙОН МЕХАНИЗАТОРЛАРИ КЕНГАШИДАН)

Ўтган йили ҳам ғўза парвариши қизғин авж олдирилган мана шу кезларда бўкалик механизаторлар йиғилишиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозимлиги тўғрисида кенгашиб олган эдилар. Бу кенгашнинг фойдаси катта бўлди. Ҳар бир механизатор ўзи даланинг хўжайини эканини, ҳосилнинг тақдирига биринчи навбатда ўзи жавобгарлигини тўла тушунган ҳолда астойдил меҳнат қилди. Натижада бўкаликлар катта хирмон кўтариб зиммага олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажардилар.

Ҳақиқий дала гвардиячилари тюпкочи звено бошлиқларининг кеча яқинда колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари иштирокида кенгаши бўлиб ўтди. Шу кунгача бажарилган ишларга якун ясалди. Ҳозирги об-ҳаво шароитида ғўза парваришини қандай ўтказиш, ҳар туп ғўзани серҳосил қилиб ўстириш учун нималарга эътибор бериш лозимлиги ўзаро фикрлашиб олинди. Бу кенгашда биринчи бўлиб сўзга чиққан «Гулистон» колхозининг звено бошлиғи ўртоқ **Р. Алматов** барчанинг эътиборини ҳар бир ишни шошма-шошарлик билан эмас, хафсала билан, сифатли бажаришга жалб этди.

— Ўтган йили, — деди у, — звено аъзоларининг сифатли ишига қўшимча ҳақ тўладик, бракка йўл қўйилганда эса кам ҳақ бердик. Шундан кейин деҳқонларимиз ишни сифатли бажариш хирмонга барака эканлигини яхши тушуниб олишди. 55 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 ўрнига 36,5 центнердан пахта олдик. Бир центнер пахта етиштириш учун колхоз бўйича сарфланганидан кўра 10 сўмдан кам маблағ сарфладик. Ҳар бир звено аъзосига йил охирида 1362 сўмдан ҳақ берилди. Менинг йиллик даромадим 4 минг 88 сўмга тўғри келди. Бу йил бултургидан яхшироқ ишламоқдамиз. Сифат мезон бўлаяпти. Мўлжалимиз 40 центнердан. Бугун-эрта иккинчи парваришга киришмоқчимиз.

Ҳосил тупидан олинади, ишнинг кўзини билган, кўп йиллик бой тажрибага эга бўлган миришкор деҳқонлар бунга тўла амал қиладилар. Мичурин номли колхознинг звено бошлиғи, тажрибали механизатор ўртоқ **А. Земель** шу ҳақда гапирди.

— Мўлжалимиз 35 центнердан, — бунинг учун ҳар гектар ерда камида 95—100 минг туп кўчатни пахта пишиб етилгунча сақлашимиз керак. Қандай қилиб эришиш мумкин? Аввало эрта озиқлантиришга эътибор бердик. Чигит экиш даврида ҳам, ғўза қатор ораларига узунасига ва кўндалангига ишлов берилаётганда ҳам бир йўла озиқлантирдик. Бу — ҳар туп ниҳолнинг соғлом ривожланиш имкониятини беряпти. Кейин, культивация даврида кўчатнинг нобуд бўлишига сира йўл қўймаяпмиз. Кўз қорачўғидек сақлаяпмиз.

Ильич номли колхознинг раиси ўртоқ **У. Жарқинбоев** бу йилги сув камчил шароитда суғоришни қандай ташкил қилиш кераклиги тўғрисида ўз фикрини ўртоқлашди.

— Бизда, — деди у, — насослар ўтган йилдагига қараганда анча кўпайтирилди, миришкор сувчилар сони оширилди. Иш икки сменада ташкил этилди. Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти томонидан тунги суғоришни кузатувчи назоратчилар тайинланди. Исрофгарчиликка сира йўла қўймаяпмиз. Ҳар литр сувдан тежамли фойдаланаяпмиз.

Ильич номли колхозда бу йил 45 та тюпкочи звено бор. Уларнинг ҳаммаси дала гвардиячилари — тажрибали механизаторлар. Улар бу йил колхоз бўйича 2 минг гектар ернинг ҳар гектаридан камида 25 центнердан ҳосил етиштириш учун ғўза парваришини юқори сифатли ўтказмоқдалар.

Кенгашда Жамбул номли колхозининг звено бошлиғи ўртоқ **П. Эргашев** пахтанинг таннархини арзонлаштириш йўллари, «Ленин йўли» колхозининг звено бошлиғи **Я. Узоқов** ғўзаларни ҳозирдан машина теримига мослаб парвариш қилиш лозимлиги, 1-«Пискент» совхозининг тюпкочиси ўртоқ **М. Сафаров** ўсимлик қатор ораларига кўндалангига ишлов бераётганда жуда эҳтиёт бўлиш, ҳар туп кўчатни авайлаб сақлаш тўғрисида сўзладилар.

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларидан руҳланган бўкаликлар бу йил она Ватанга 68 минг 200 тонна пахта беришга аҳд қилганлар. Шу мақсад билан 50 процент майдонда ғўза квадрат-уялаб ўстирилмоқда. 25 минг гектар ердаги ўсимлик машина теримига мослаб парвариш қилинаяпти. 10 минг гектар ердаги ўсимлик машина ёрдамида чеканка қилинади. 34 минг 188 тонна «оқ олтин» «зангори кема»лар билан териб олинади.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдураззоқов** ўртоқлар нутқ сўзладилар.

СУВЧИЛАР КЕНГАШМОҚДАЛАР

Бу йил Ўрта Чирчиқ районининг пахтакорлари чигит экишни анча барвақт тугалладилар. Бу иш оби-тобида бажарилганлиги учун мавжуд 23 минг гектардан зиёдроқ ердаги чигитнинг ҳаммаси бир текис ундириб олинди. Энди ёш ғўза ниҳолларини чанқатиб қўймаслик, ҳозирги пайтда деҳқоннинг олдида турган энг муҳим вазифа бўлиб турибди. Куни кеча бўлиб ўтган район сувчиларининг йиғилишида сўзга чиққан деҳқонлар ана шулар ҳақида гапиришди.

— Мен ўн йилдан буён сувчилик қилиб келаяпман, — деди «Ленин йўли» колхозининг бош сувчиси ўртоқ **А. Умаров**, — шу ўтган давр ичида бирмунча тажриба орттирдим. Йил йилга ўхшамайди, деб бежиз айтишмаган. Мана, бу йил бошқа йилларга ўхшамаяпти. Илгарилари ҳам ана шундай қуруқ оби-ҳаво шароитларига дуч келганмиз. Ўшанда ёш ғўзаларни сувга қондиришга асосий эътиборимизни қаратардик. Натижа ёмон бўлиб чиқмасди. Қузакка бориб мўлжаллаган пахтамизни олавердик. Ана шу тажрибага таяниб айтмоқчиманки, бу йилги, айниқса шу кеча-кундуздаги шароитда пайкалларни зудлик билан суғориш ҳаммамизнинг биринчи галдаги ишимиз бўлиши керак. Ғўзани сувга ташна қилиб қўйсак, кейин унинг ривожи яхши бўлмайди. Бизнинг звеномизда ғўза суғоришга катта эътибор берилаяпти. Яганани тамомлаганимиздан кейин дарҳол ариқ олдик, ғўзани озиқлантирдик. Мана энди жадал суғораяпмиз. Колхозимиз бўйича биринчи суғоришни узоғи билан 18 майгача туғаллаш тараддудидамиз.

Машъал Охунбобоев номли колхоз сувчиси ўртоқ **Султонов** йиғилиш қатнашчиларига тошлоқ ерларни суғоришдаги ўз тажрибаларини гапириб берди. Бу колхоз ерларининг аксарият қисми тошлоқ. Бошқа ерларга нисбатан кўпроқ сув талаб қилади. Айниқса шу кеча-кундузда шунақа тошлоқ ерларни қондириб суғориш деҳқоннинг диққат марказида туриши керак.

— Бошқа колхозларда ғўза тўрт марта суғорилса, биз олти марта суғоришимиз керак, — деди ўртоқ Султонов, — нега деганда еримизнинг табиати шунақа. Биз тошлоқ ерларимизни қондириб суғориш учун ўқариқларни калта оламиз, яъни 100—110 метр бўлади. Ҳозир деярли ҳамма сувчилар кунлик нормани ошириб бажаришяпти.

Ленин номли колхознинг тажрибали сувчиси ўртоқ **Ашир Мавлонов**нинг гаплари маслаҳатга йиғилган сувчиларга жуда маъқул тушди:

— Ўртоқлар, нонни қандай азиз деб билсак, сувни ҳам шундай азиз деб билишимиз керак. Деҳқоннинг обрўси етиштирган «оқ олтин»и билан ўлчанади. «Оқ олтин»ни мўл қилиш учун эса деҳқон ғўзасини серҳосил қилиб ўстириши керак. Ғўзани серҳосил қилиб ўстириш кўп жиҳатдан сувга, қондириб суғоришга боғлиқ. Шундай экан, сиз билан биз ҳар бир томчи сувнинг қадрига етишимиз керак. Мана бу йил ҳаммаларингизга маълумки, оби-ҳаво бизларга бирмунча қийинчиликлар туғдиряпти. Ер қуруқ. Бунинг устига сув камоб. Ғўзаларнинг авжини яхши деб бўлмайди.

Ана шундай шароитда ҳаммамиз усталик билан иш юритишимиз керак. Баъзибир ўртоқлар «чигитни бултургига нисбатан 15—16 кун олдин экиб олдим. Пахтам эртаги бўлади», деб бамайлихотир юришибди. Йўқ, чигитни эрта экиб олдим деб мағрурланиб юриш ярамайди. Аксинча, ҳозир ҳар қачонгидан ҳам усталик билан иш кўриш керак. Шароит нозик. Шундай экан, ишнинг ҳам нозик томонларига эътиборни кучайтириш лозим. Бизнинг колхозимизда ғўза суғоришга ҳар йили ҳам алоҳида эътибор берилади. Пайкалларни қулай агротехника муддатларида қондириб суғораётганлигимиз ҳосилдорликни оширишга катта таъсир кўрсатаяпти. 1963 йилда колхозимиз бўйича гектар бошига атиги 14 центнердан пахта олинган бўлса, бултур 22,6 центнердан олинди. Бу йилги марраламиз эса кам деганда 25 центнердан хирмон кўтариш. Ана шу маррага эришмоқ ниятида ғўзани ҳозирдан бошлаб серҳосил қилиб ўстиришга, бунинг учун уни кеча-кундуз суғоришга ҳаракат қиляпмиз.

Йиғилишда сўзга чиққан бошқа сувчилар ҳам қимматли маслаҳатлар айтдилар. Йиғилишда шундай фикрга келинди: барча имкониятлардан фойдаланиб, район бўйича биринчи суғоришни 10—12 кун ичида тугалланилади. Графикда белгиланган 2500 киши ўрнига 2900 киши суғориш ишларига жалб этилади. Сув яхши юрмайдиган ерларни ҳам оби-тобида суғориб олиш мақсадида қўшимча равишда яна 58 та насос ўрнатилади. Бу насослар кунига қўшимча равишда камида 180—200 гектар ерни суғоришга имкон беради. Ҳар бир звенода суғориш ишларига бош сувчи жавобгар шахс қилиб қўйилади. Тунги суғоришни назорат қилиб туриш мақсадида ҳар бир хўжаликда штаб ташкил этилади. Сувчиларга ҳамма зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинади.

Йиғилиш қатнашчилари райоининг барча сувчилари, механизаторлари, колхозчилари, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

ПАРВАРИШ ИЛҒОРЛАРИ

ОҚҚЎРҒОН. Гектар бошига кам деганда 35 центнердан «оқ олтин» кўтаришга бел боғлаган Димитров номли колхоз пахтакорлари шу кеча-кундузда ғўза парваришини намунали ўтказишаяпти. Чигит экишни колхозда биринчилар қатори тугаллаган Саттор Тожибоев, Ҳалима Халпетова, Юнус Йўлдошев, Умар Сулаймонов ўртоқлар бошлиқ комплекс механизациялашган звеноларнинг аъзолари ғўзанинг дастлабки парваришини ҳам биринчилар қатори тугаллашга ҳаракат қилишаяпти. Бу звеноларга бошчилик қилаётган моҳир механизаторлар қатор ораларини сифатли юмшатишда ҳаммага ўрнак кўрсатмоқдалар. Шунингдек, райондаги Калинин номли колхознинг илғор звеноларида ҳам яшил квадратлар орасига кўнгилдагидек ишлов берилмоқда.

А. Тўраев,
Р. Тоғаев.

ЯНГИЙЎЛ. Охунбобоев номли колхознинг ўртоқ Н. Қаршибоев бошлиқ участкасига 200 гектар пахта майдони бириктилган. Участка деҳқонлари бултур 33 центнердан хирмон кўтариб, эл-юрт олдида берган сўзларининг устидан чиққан эдилар. Бу йил улар ҳосилдорликни бултургига нисбатан икки центнерга оширишмоқчи. Шу мақсадда ҳозир дала ишларини юксак агротехника талаблари асосида бажармоқдалар. Механизаторлардан У. Иброҳимов билан Қ. Рустамов ўртоқлар ўз агрегатларини пахта далалари бўйлаб моҳирона бошқаришаяпти.

Б. Қурбонов,
Х. Норматов.

ҚУЛФ УРАЁТГАН НИҲОЛЛАР

Экиш етти иш кунида тамомланди. Сифати ҳам жойида бўлди. Карталар ўз вақтида кафтдек текисланиб, тупроқ яхши ишланганлиги сабабли ана шундай натижага эришилди. Ғаффор ака чигит униб чиққунгача ҳам тиниб-тинчимади. Ҳар куни тонгдан оқшомгача далада. «Ерда нам етарликмикин, чигит суви даркор эмасмикин, бехато ундириб олсак марра бизники бўларди» ана шулар ҳақида ўйларди у.

Ғаффор аканинг кўнглидаги бўлди. Карталарнинг ҳаммасида чигит ернинг ўз намига ниш уриб чиқди. Энди парваришни барвақт бошлаш лозим, ғўзани ёшлигиданоқ озуқага тўйдириш керак. Ким ки ўсимлик соғлом ривожлансин, эрта ҳосилга кирсин, деса шундай қилади.

Универсалга культиватор тиркалиб шай қилиб қўйилган эди. Ғаффор ака тажрибали пахтакор, маслаҳатчи. Абдулла ака Абдураҳмонов билан биргаликда пайкалларни бир айланиб чиқди-ю, дастлабки уруғ қадалган картадан культивацияни бошлашга қарор қилишди.

Кунлар кетидан кунлар мазмунли ўта бошлади. Ўзи шудгор қилган, ер текислаган, ўзи саралаб уруғ қадаган механизатор Ғаффор ака ғўза қатор ораларига ишлов беришни ҳам қиёмига келтира бошлади. Кунига 7-8 гектар ердаги ғўза Ғаффор аканинг астойдил меҳнатидан баҳра топди.

Мана май ойининг дастлабки ҳафтаси ҳам ўтиб бораяпти. Деҳқон учун ҳар дам ғанимат. Ўсимликнинг тилини билиб, ҳар бир ишни маврутида қилган деҳқон дол қолмайди. Ғаффор ака буни яхши билади. Биринчи парвариш тугалланди, ишим жойида, деб бепарво юргани йўқ у. Звеноси аъзолари билан биргаликда лозим топилган карталарга сув тараш тараддудини кўрмоқда. Ўқариқлар олиб, эгат бошларига чим босишмоқда.

— Звеномиз аъзолари бу йил 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнер ўрнига 43 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз берганлар. Ваъда вафоси билан яхши, — деди Ғаффор ака биз билан суҳбатда, — аҳдимиз аҳд. Ўтган йили гектаридан 42 центнердан хирмон кўтарган эдик. Шунинг ўзи сўзимиз қуруқ сўз эмаслигини кўрсатиб турибди.

Абдулла ака Абдураҳмонов бошлиқ участкада Ғаффор ака звеноси билан мусобақадош яна бир тюпкочи звено бор. Унга Сотиболди Умаров бошлиқ. Бу звенода ҳам биринчи парвариш колхоздаги бошқа участка ва звеноларга қараганда барвақт тугалланди. Эндиликда бундан буён бажарилиши лозим бўлган ишлар режалари тузилаяпти, барча майдонларда ягана ўтказиляпти, сув тарашга тайёргарлик кўриляпти.

Партиямиз Марказий Комитети март Пленуми қарорлари Ғаффор ака Пирматов, Сотиболди Умаровлар звеноси аъзоларига куч-ғайрат бахш этган. Улар етти йилликнинг сўнгги шу йилида она-Ватанга ҳар қачонгидан кўп «оқ олтин» армуғон этишмоқчи.

М. НАЗИРБОЕВ.
Юқори Чирчиқ район, «Политотдел» колхози.

Совет партия-ҳукумат делегацияси ГДР ва Чехословакияга жўнаб кетди

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ва Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг таклифига биноан, совет партия-ҳукумат делегацияси немис халқи фашизмдан озод қилинган куннинг 20 йиллиги байрамида қатнашиш учун 6 майда Москвадан Берлинга жўнаб кетди. КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин делегацияга бошчилик қилади.

СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида делегацияни Г. И. Воронов, К. Т. Мазуров, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, А. П. Рудаков ва бошқа ўртоқлар узатиб қолдилар.

* * *

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан, Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси Чехословакия фашист босқинчилардан озод қилинган куннинг 20 йиллиги тантаналарида қатнашиш учун 6 майда Москвадан Прагага жўнаб кетди. КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг Секретари Н. В. Подгорний делегацияга бошчилик қилади.

Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида делегацияни А. П. Кириленко, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, Ю. В. Андропов ва бошқа ўртоқлар узатиб қолдилар. (ТАСС).

ГЎШТ СОТИШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларидан руҳланган Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари давлатга 39 тоннадан зиёд семиз гўшт топшириб, йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Улар бундай муваффақиятга 145 қорамолни яхши парваришлаб, бўрдоқи қилиб семиртирганликлари туфайли эришдилар.

Райондаги Навоий номли колхоз аъзолари ҳам гўшт сотишда олдинда бормоқда. Бу хўжалик шу кунгача давлатга 200 центнер гўшт топшириб, ярим йиллик планни ортиғи билан бажарди.

ҚОҒОЗСИЗ ва масофасиз газета деган ибора ҳаммага маълум. Энди унинг маъносини ҳамма тушунади. Доҳий В. И. Ленин эндигина ҳаётга сингиб бораётган радиони ана шундай образли сўзлар билан атаган эди.

Радио... ҳозир унинг фаолият доираси бениҳоя чексиздир. Ҳурматли газетхон, қани ўзингиз ўйлаб кўрингчи, ҳаётимизнинг радиодан ҳар хил шаклларда фойдаланмаётган қандай соҳаси бор? Радио Советлар мамлакатида ва социалистик элларда коммунизм ва социализм қурилишнинг, халқларни янги ҳаёт бинокорлари руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб қолди. Айниқса, фан ва техника соҳаларида радионинг роли жуда буюкдир.

ХАЛҚ МИНБАРИ

Ватанимизда радионинг кенг ривожланиши улуғ доҳий Лениннинг номи билан чамбарчас боғланган. Улуғ Октябрь революциясининг дастлабки кунлариданоқ радио фақат алоқа воситаси сифатидагина ишлатилмай, сиёсий вазифаларни адо этувчи восита сифатида ҳам хизмат қила бошлади. 1918 йилда бир қанча радио телеграф станциялари ахборот радио программаларини бериб туриш учун ажратилди. В. И. Ленин 1920 йил февралда Нижний Новгород радио лабораториясининг раҳбари М. А. Бонч-Бруевичга юборган хатида қуйидагиларни ёзган эди: «Фурсатдан фойдаланиб, мен радио-ихтирочилик соҳасида қилаётган катта ишларингиз учун чуқур миннатдорчилик ва ҳамдамлик изҳор қиламан. Сиз вужудга келтираётган қоғозсиз ва «масофасиз» газета жуда буюк бир ишга айланажак».

Улуғ доҳий орзулари амалга ошди. 1924 йилда Москвада радио орқали турли суҳбат ва лекциялар, газета хабарлари эшиттирила бошланди. Секин — аста радио мамлакатимизнинг бошқа жойларига ҳам тарқалди. Жумладан, у Ўзбекистонга ҳам етиб келди. 1927 йилнинг бошида Тошкентда дастлабки радио эшиттиришлар бошланди.

Энг оммавий, ҳозиржавоб пропагандист ва агитатор бўлмиш радио ҳозир республикамиздаги деярли ҳар бир хонадоннинг тўридан жой олган. Радио, шунингдек яйловлардаги чўпонларнинг, узоқ сафарга отланган йўловчиларнинг ҳам ҳамроҳи бўлиб қолган.

Радио — халқ минбаридир. Ундан болалар ҳам, ёшлар ҳам, саноат ва қишлоқ хўжалик ходимлари ҳам, ёзувчилар ҳам тўла баҳраманд бўлишяпти. Масалан, «Пионер эрталиги» ва болалар учун бериладиган эшиттиришлар кичкинтойларимизнинг севиб тинглайдиган эшиттиришлари бўлиб қолган. Ёшлар учун ташкил этилган «Ёшлик» радиостанциясининг эшиттиришлари йигит-қизларга жуда манзур бўлаётир. Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига у ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Қишлоқ хўжалик илғорларининг довруғини ёйишда, уларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштиришда, уларнинг маданий хордиқ чиқаришида қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттиришларнинг роли каттадир.

Республика радиожурналистлари ота-оналар учун ҳам алоҳида эшиттириш ташкил этган. Илғор тажрибали педагоглар, ҳаётий тажрибалари ортган ота-оналар, олим ва ёзувчилар болалар тарбияси юзасидан ўз тажрибаларини, фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашиб турадилар.

«Сиҳат-саломатлик», «Нафосат давраси», «Дугоналар», каби радиожурналларни республика радио тингловчилари яхши биладилар. Биринчи Май куни «Кулги — чеҳранинг гули» деган ойлик юмористик-сатирик радиожурналимизнинг биринчи сони эфирда янгради.

Телевидение — кўрсатувчи радио эшиттиришдир. Бизнинг телевидение ҳали жуда ёш. Унинг эшиттиришлар бошлаганига ҳали ўн йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин, шунга қарамай телевидение бениҳоя тез ривожланмоқда. У мамлакатимизда «Зангори экран» театр спектаклларини, кинофильмларни, турли-туман телевизион эшиттиришларни намойиш этаяпти. Республикамизнинг ўзида Тошкент, Олмаота, Фрунзе, Нукус, Урганч, Душанба телестудиялари эшиттиришларини бемалол кўриш мумкин.

Ўзбекистон телевидение студиясининг ходимлари телевизион эшиттиришларининг савиясини кўтариш, сермазмун, мароқли қилиш учун курашяптилар. Телетамошобинларни қаноатлантирадиган, чеҳраларида табассум уйғотадиган эшиттиришлар оз эмас. Масалан, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» циклидаги эшиттиришлар телетамошобинларни мамнун этаётир. Адабий-драматик эшиттиришлар, болаларни тарбиялаш масаласига бағишланган ва бошқа кўпгина телевизион эшиттиришлар диққатга сазовордир.

Яқин орада телетамошобинларимиз яна бир муҳим янгиликнинг шоҳиди бўладилар. Улар Ватанимиз пойтахти Москванинг овозини радиодангина эшитиб қолмай, балки унинг жамолини ҳар куни «зангори экран»лар орқали кўрадилар. Бу эса Москва орқали бошқа мамлакатларнинг телевизион эшиттиришларини ҳам кўриш имконини беради.

Жамоатчилик, минглаб ишчи ва қишлоқ мухбирлари, олимлар, ёзувчилар эшиттиришларимизда актив қатнашиб турадилар. Ўтган йили республика радио эшиттириш редакциялари радио тингловчилардан 45 мингга яқин хат олди. Тошкент телевидение студиясига 11 мингта мактуб келди.

Қоғозсиз ва масофасиз газета учун ҳеч қандай чегара йўқ. Унинг тўлқинлари самога таралиб, эллар кезади, Советлар юртидаги бор ҳақиқатни хорижий мамлакатлар радио тингловчиларига етказади. Шунинг учун ҳам совет радиоси ҳақиқат жарчиси деб ном олган. Тошкент овозини жаҳон тингламоқда. Ҳар куни кеч соат 18 дан кечаси 24 га қадар инглиз, урду, ҳинд, форс ва ўзбек тилларида чет эллардаги радио тингловчиларга Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаёти, кўп миллатли совет оиласининг бахтиёр турмуши, республикамизнинг қўлга киритаётган ютуқлари ҳикоя қилинади.

Партия ва ҳукуматимиз биз радио ва телевидение ходимларидан меҳнаткашлар учун рангба-ранг ва мазмундор эшиттиришлар уюштиришни талаб этмоқда. Зотан, бу бизнинг олдимизда турган муҳим вазифадир. Шунинг учун ҳам эшиттиришларнинг жонли ва таъсирчан бўлиши учун курашиш бизнинг доимий амалий шиоримиз бўлиб қолмоғи лозим.

Х. ХУДОЙБЕРДИЕВ,

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радио эшиттириш ва телевидение Давлат комитети раисининг ўринбосари.

ҚОҒОЗСИЗ, МАСОФАСИЗ ГАЗЕТА

БУГУН — РАДИО КУНИ



Бу камтар ва ижодкор режиссёрни радио ходимлари жуда ҳурмат қилишади. Айниқса, ёш дикторлар унинг баракали ёрдамидан кўп баҳраманд бўлишди. Республикада хизмат кўрсатган артист, талантли режиссёр Н. Дўстхўжаев ёшлар ва пионер эрталиги эшиттиришларига режиссёрлик қилиб келмоқда. Сиз бу суратда ўртоқ Н. Дўстхўжаевни репитиция вақтида кўриб турибсиз.

А. Абалян фотоси.

ИНСОН ХИЗМАТИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРИ В. ЙЎЛДОШЕВ БИЛАН СУҲБАТ

Бундан 70 йил муқаддам жаҳон фани ва техникаси катта бир мўъжизакор кашфиёт билан бойиди. Улуғ рус олими А. С. Попов ясаган биринчи радиоприёмник бутун жаҳонни ҳайратда қолдирди. Мана бугунги кунда эса радиотехника беқиёс даражада равнақ топди.

Радионинг тараққий этиши радиоастрономия, радиоспектроскопия, атом радиоэлектроникаси, кибернетика техникаси каби янги соҳаларнинг вужудга келишига кенг йўл очиб берди; Ер сунъий йўлдошларидан фойдаланиб, олис масофаларда радио алоқаси боғлаш ва телевидение кўрсатиш системаси ишлатиб кўрилди. «Молния — 1» алоқа йўлдоши орқали Владивосток билан Москва ўртасида телевизион программаларни кўрсатишга муваффақ бўлинди. Булар совет фани ва техникаси эришган ғоят катта ютуқларни кўрсатиб турибди.

Тўйга-тўёна билан келиш элимиз одати. Республикамиз алоқа ходимлари бу катта байрамга қандай совғалар ҳозирлашди? Гапни, радиолаштириш ишларидан бошламоқчиман: Партия ва ҳукуматимиз алоқа ходимлари олдига қишлоқларни тўла радиолаштириш вазифасини қўйган эдилар. Республикамизда бу иш ўтган йилиёқ муваффақиятли бажарилди. Ҳозир бирон колхоз ёки совхоз йўқки, улар радио точкалари билан таъминланмаган бўлсин.

Мана бу рақамларга бир эътибор қилинг-а! Кейинги олти йил ичида меҳнаткашлар хонадонларига 400 мингга яқин радиоточкалар ўрнатилди. Шулардан 338 мингтаси қишлоқларда ишлаб турибди.

Бу орада, шунингдек, 530 та радиоузел қурилди ва реконструкция қилинди. Ҳозир республикамизда жами 1100 та радиоузел мавжуд. Улар янги аппаратлар билан етарли таъминланган.

Кўп программада ишлайдиган радиоточкалар сони ҳам йил сайин ортиб боряпти. Тошкент, Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод каби шаҳарларда эшиттиришлар уч программада олиб борилмоқда. Шундай қилиб, кўп программада ишлаётган радиоточкалар сони 14 мингтадан ортиб кетди. Бу йил эса 50 мингта янги радиоточка ишга тушади.

Булар-ку, республикамиз шаҳар ва қишлоқларини радиолаштириш соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз. Хўш, алоқанинг бошқа турлари бўйича қандай ишлар қилинди? Телевидение кўрсатиш ва телефон алоқаси ўрнатиш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. Шунинг учун ҳам бу соҳанинг мутахассислари ўз меҳнат натижаларидан хурсанд.

Алоқанинг янги воситаларидан фойдаланишга ўтиш, аввало телевизион узатиш тармоқларининг кенг йўлга қўйилганлиги билан изоҳланади. Рўйирост айтиш мумкинки, эндиликда республикамизда телевизион эшиттиришлар масофасини кенгайтириш учун ҳамма қулайликлар бор.

Ўзбекистоннинг бир неча шаҳарларида телевизион марказлар ишлаб турибди. Мана энди яқин орада Сурхондарё область меҳнаткашлари Тошкент телевизион студияси эшиттиришларини томоша қилишга муваффақ бўладилар. Бунинг учун ҳозир Сурхондарё билан Тошкент ўртасида радиореле линияси ўрнатилмоқда. Улуғ Октябрь байрами арафасида эса қашқадарёликлар ҳам яхши совға олишди. Тошкентдан телевизион эшиттиришларни узатиб турувчи линия ишга тушди. Бухоро, Самарқанд, Сирдарё областларида телевидение кўрсатиш системаси иши янада яхшиланади. Республикамиз аҳолисининг 90 проценти телевизион эшиттиришларни томоша қилиш имконига эга бўлади.

Тошкент ва Душанба шаҳарлари ўртасида телевизион программа айрибошлаш йўлга қўйилади. Бу тадбир шу йилнинг охиригача амалга оширилади. Қувончлиси шуки, Тошкент Москва телевизион эшиттиришларини қабул қилиш арафасида турибди. Шундан кейин тошкентлик меҳнаткашлар фақат пойтахтнинг ўзидангина эмас, айни вақтда Ленинград, Киев ва бошқа йирик шаҳарлардан ҳам телевизион марказлар орқали эшиттиришларни кўрадилар.

Тасвирли телефон алоқаси тўғрисида ҳам бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Алоқанинг бу янги ва ажойиб воситаси республикамизда катта иш беряпти. У келгусида турмушимизга жуда сингиб кетиши турган гап.

Бундан икки йил аввал Тошкент билан Андижон ўртасида кўриб гаплашадиган тасвирли телефон линияси ишга тушган эди. Кейинчалик бундай алоқа Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Бухоро ўртасида боғланди. Шу йилдан бошлаб янги вазифаларни амалга оширишга киришилади. Андижон билан Наманган ўртасида тасвирли телефон линияси ишга тушишига оз вақт қолди. Самарқанд билан Андижон ўртасида бундай алоқа боғланади. Шунингдек, Олмаота — Фрунзе тасвирли телефон линияси қуриш планлаштириб қўйилди.

Радиони ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигида қўллашни тағин ҳам кенгайтириш олдимизда турган муҳим вазифаларимиздан биридир. Бу ишларни амалга ошириш радиотехника фани ютуқларидан ижодий фойдаланиш учун кенг имкониятлар очиб беради. Биз бу соҳада ҳам баракали иш олиб борамиз. Чунки, бу партия ва халқ талаби, ҳаёт тақозосидир.

„ЁШЛИК" СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

«Ёшлик» телестудияси ҳам ўз томошабинларига эга. Булар — коммунистик жамият қуришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётган ишчи ёшлар, колхозчилар, зиёлилар, маданият ходимлари ва кўп сонли студентлардир. Бинобарин, эшиттиришларимиз программаси мазмунини уларнинг ҳаёти, ишдаги ютуқлари, ўзаро ҳамкорлиги, дўстлик, ўртоқлик муносабатлари ташкил этади.

«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» деб номланган эшиттиришимиз ёшларни маданиятли, юксак ахлоқли, пок қалбли ва камтарин бўлишга чақиради. Бу эшиттириш тўрт йилдан буён ҳар ойда бир марта мунтазам бериб борилади. Эшиттиришни олиб борувчи Ўзбекистон ССР халқ артисти Карим Хонкелдиев телетомошабинларнинг севимли отахони бўлиб қолди.

Ҳар галги эшиттириш ва суҳбатимиздан сўнг юзлаб, хатлар келади. Уларда эшиттиришдан олинган таассуротлар, миннатдорчилик сатрлари, шунингдек бирор одамга бутун дардини тўкиб солишни истаган кишининг ички туйғулари, юрак сўзларини ўқийсиз.

«Ёшлик» студиясининг келгусидаги режалари катта. Умидли ёшларимиз, истиқбол эгалари ҳаётини «зангори экран» орқали ҳаммага намуна қилиб кўрсатиш, эшиттиришларни мазмун ва форма жиҳатдан бойитиш, уни кўп миллионли телетомошабинларга янада манзур этиш «Ёшлик» студияси ходимларининг жанговар вазифасидир.

Элбек МУСАЕВ,
«Ёшлик» студиясининг старший редактори.

ИСТАГИМИЗ

Тўғри, радио орқали турли темаларда сермазмун эшиттиришлар бериб борилади. Бу яхши. Аммо баъзи эшиттиришлар ҳақида айрим мулоҳазалар бор. Шаҳримизни кўкаламзорга айлантириш учун курашаётган маҳалла комитетларининг активлари, шунингдек халқ дружиналари, хотин-қизлар Совети, ота-оналар комитетлари ишларини ҳикоя қилувчи эшиттиришлар жуда кам.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳар кун эрта тонгда бериладиган бадантарбия машғулотлари комплекси ҳеч ўзгаришсиз олиб борилмоқда. Бу эса кишини зериктиради.

Кўпчиликка манзур бўлган «Ассалому алайкум» бадиий эшиттиришлар негадир кейинчалик берилмай қўйилди.

Истардикки, мазмунли ва қизиқарли эшиттиришлар кўпаяверсин.

К. КОМИЛОВ,
юридик фанлари кандидати.
Ш. ШОМУҲАМЕДОВ,
республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, пенсионер.
Н. РЎЗИМУҲАМЕДОВА,
ТошДУ студенти.

Калинин районидаги «Москва» колхози радиоузелининг эшиттиришлар программаси ранг-баранг. Бу эшиттиришларни радиотехник С. Ғаффоров олиб боради. Суратда: ўртоқ С. Ғаффоров радиоузелда.

М. Тўйчиев фотоси.

СОЗАНДА ВА БАСТАКОР

Дуторнинг нозик иплари «Роҳат» куйи садолари остида титраганини эшитганмисиз? Шунақа пайтларда дутор эмас, юрак торларингизнинг ўзи титраётгандай булади. Беихтиёр дуторга «тил киритган» созандага тасанно ўқийсиз, у билан танишгингиз келади. Марҳамат, танишинг: бу созанда — Ориф Қосимовдир.

Орифда музикага ҳавас жуда эрта — отаси вафот этганидан кейин қўни-қўшниларнинг қўйқўзниларини боқиб юрганидаёқ уйғонган эди. У қамишдан най ясаб чалишни яхши кўрарди.

Октябрь қуёши бошқалар қатори унинг ҳам бошига нур сочди: 1920 йилдан у Тошкентдаги ҳунар мактабида ўқий бошлади. Ориф ҳунар мактабини битирганидан кейин ҳам, 59-мактабда ўқиб юрганида ҳам музикани тарк этмади. Бу ерда у таниқли санъат арбоби Юнус Ражабийдан най, дутор, чанг ва бошқа чолғу асбобларини чалишни ўрганди, мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгарагига раҳбарлик қила бошлади. Тез орада тўгарак довруғ тарқатди. Ёш хонанда ва созандалар қизил чойхоналарда, клубларда концерт кўрсатишадиган бўлди.

1927 йил ёш созанда Ориф Қосимовнинг ҳаётида айниқса қувончли из қолдирди. Шу йили у Юнус Ражабийнинг таклифи билан Ўзбекистон радио комитетида чолғучилик қила бошлади. Энди унинг сози клуб ёки заллардагина эмас, эфир орқали бутун республикага тарқала бошлади. Юнус Ражабий, Шораҳим Шожалилов, Туйчи Тошмуҳамедов, Хайрулла Убайдуллаев, М. Юсупов, Р. Ражабий, И. Икромов каби кекса санъаткорлар унга устоз бўлишди. Орадан кўп ўтмай Ориф Қосимовнинг ўзи ҳам мактабларда музикадан дарс бера бошлади.

О. Қосимов салкам ўттиз йилгача Ўрта Осиё темир йўли Тошкент проводниклар резервида ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик тўгарагига раҳбарлик қилди. Оддий тўгаракнинг ашула ва рақс ансамбли даражасигача кўтарилишида хизмати катта унинг 1936 йилдаёқ бу тўгарак темир йўлчи бадиий ҳаваскорларнинг Москвада булиб ўтган Бутуниттифоқ фестивалида биринчи ўринни эгаллади. Шундан кейин ёш санъаткорлар репертуари тожик, туркман, қозоқ куй ва қўшиқлари билан бойиди.

Истеъдодли созанда салкам қирк йилдан бери — Ўзбекистон радиосига ўтганидан бери ўнлаб шогирдлар етиштирди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистка Берта Давидова, артистлардан Муҳаммаджон Расулов, Клара Жалилова, Сайёра Ҳақназарова, Жамила Қаландарова, Тожикистонда хизмат кўрсатган артистка Барно Исҳоқова ва бошқалар Ориф аканинг шогирдларидир.

Ориф Қосимов яхши созандагина эмас, жуда кўп дилрабо куй ва қўшиқлар бастакори ҳамдир. Улуғ Ватан уруши йилларидаги унинг «Фронтга юриш марши», «Қизил карвон», «Зулайхо» куйлари эфирда жаранглаган эди. Кейинги йилларда радио тингловчилар ва қўшиқ шинавандалари орасида оммалашиб кетган «Дилдор ўйнасин», «Қизлар рақси», «Дилшод рақси», «Гулзор яхшидур», «Кўнглима» каби куй ва қўшиқларни Ориф Қосимов басталаган.

Партия ва ҳукуматимиз талантли созанда ва бастакорнинг хизматларини муносиб тақдирлади. У «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонини олди, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиқлари билан бир неча марта тақдирланди.

Ўзбекистон Радиоси ташкил этилганидан бери ижод қилиб келаётган ҳурматли бастакор 60 ёшга тўлди. Аммо унинг қалби ҳамон ёш. Унинг «Наъматак», «Дутор», «Янгра созим» қўшиқлари ҳамманинг юрагини қитиқлайди. Ушбу байрам айёмида шогирдлар унга ижодий камолот тиламоқдалар.

И. КАТАЕВ.

МАРОҚЛИ ЭШИТТИРИШЛАР

Дикторнинг таниш овози эшитилди. У бугунги зафарли кун мадҳини илиқ сўзлар билан баён этгач, «Дала меҳнаткашлари эшитинг, бу концерт сизларга бағишланган» деб қолди. Колхознинг бепоён далалари узра ёқимли куй ва қўшиқлар янграйди.

Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозида ҳар кунги меҳнат тонги ана шундай завқли бошланади.

Ўз касбига меҳр қўйган радиотехник ҳамда диктор Шомурод ака Умаров колхозчилар орасида катта ҳурмат-эътибор қозонган. У радио тингловчилар таклиф ва мулоҳазаларига доим қулоқ солади. Эшиттиришларнинг ранг-баранг ва мазмунли бўлиши учун курашади. Шунинг учун радиоузел хизматидан ҳамма хурсанд.

Колхоздаги 500 дан ортиқ хонадон радиолаштирилган. Жонкуяр монтёр Раҳмат Сайдаҳмедов эса радио точкаларидан кўз-қулоқ бўлиб туради. Биронтаси бузилиб қолгудек бўлса уни тезда тузатишга шошилади.

Ҳозир радиоузел ҳузурида лекторлар ва агитаторлар группаси ишлаб турибди. Колхоз партия ташкилоти ташаббуси билан ташкил топган бу группа радиоузел орқали кенг пропаганда ишларини олиб боряпти. Радиосовет аъзоларининг ишлари ҳам план асосида олиб борилади. Радиоузел ишларининг яхшиланишида жамоатчиликнинг роли ҳам катта бўлмоқда.

Бу ерда маҳаллий эшиттиришлар программасига тўла риоя қилинади. Колхознинг бош инженери У. Хожиев «Комплекс механизация — бош йўлимиз», участка врачларидан И. Аҳмедов ва Х. Сидиқовлар «Грипп касаллиги ва болаларда зотилжам касаллиги, ундан қутилиш йўллари» колхоз ўт ўчириш командасининг бошлиғи З. Исматов «Ёнғинга қарши кураш тўғрисида», колхоз агрономи А. Юнусов «Чигитни тез кунда экиб бўлиш тўғрисида» партком секретари М. Қурбонов «КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорлари амалда», 16-ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири Ж. Ражабалиев «Оилада ва мактабда бола тарбияси» сингари мавзуларда суҳбатлар ўтказишди. Кейинги 4 ой ичида 30 дан ортиқ суҳбат ва лекциялар уюштирилди.

Булардан ташқари колхоз ҳаваскорлари ҳам радиоузел орқали концертлар бериб туришади.

Колхоз радиоузели азамат пахтакорларга намунали маданий хизмат кўрсатмоқда. Қишлоқ меҳнаткашларининг маданий савиясини кўтариш, янги ижтимоий муносабатларни шакллантириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Н. ҚАЮМОВ,
Р. ҚОСИМОВА.

АССАЛОМ, ШАҲАРЛАР!

Бу радиоклуб бутун дунёни эшитади деганларича бор. Уни жаҳондаги кўпгина радио ҳаваскорлар яхши билишади. Ҳали у шаҳардан, ҳали бу шаҳардан клуб билан радио орқали алоқа қилиб туришади.

... Омск областининг Калачинск шаҳридаги ўрта мактаб радиостанцияси алоқа боғлаб қолди. Радиоҳаваскор Владимир Иванович наушникни кийиб, микрофонни қўлига олади.

— Тошкент область радиоклуби эшитаяпти. Гапларингизни жуда яхши эшитаяпман. Тошкентда ҳозир ҳаво қандай дейсизми? Ҳаво жуда очиқ. Термометр ҳарорат 24 даража иссиқ эканлигини кўрсатиб турибди. Сизлардачи? Ҳаво бироз паст денг-а. Яна алоқа боғлаб туринг. Раҳмат, хайр!..

Алоқа тугаши билан яна бир позивной эшитилиб қолди.

«Ҳозир павлодарлик радио ҳаваскор Галя Тошкент билан гаплашмоқчи, — оператор қизнинг командаси эшитилади: — Молдавиянинг Тирасполя шаҳридан радиоҳаваскор Петр эса навбат кутиб турибди».

Оператор шундай дейиши билан Владимир Иванович яна наушникни қулоққа тутади, Радиоклуб станциясида қизғин савол-жавоб бошланиб кетди.

— Бир соатнинг ўзида бутун Совет Иттифоқидаги шаҳарлар билан сўзлашиб чиқиш мумкин, — дея ҳазиломуз гап қотди Владимир Авдеев. — Биз қаер билан алоқа боғламайлик, ҳамма-ҳаммасини алоҳида журналга ёзиб борамиз. Мана бу журнални бир варақлаб кўринг-а!

Қалин муқовали журнални олиб, аста варақлаб чиқдик. Унда радиостанция билан алоқа боғлаган турли шаҳарларнинг номлари ва радио ҳаваскорларнинг исмлари бирин-кетин қайд қилинган эди.

— Булар кейинги олти ой ичида қилинган алоқалар рўйхати, — дея изоҳ бера бошлади суҳбатдошимиз. — Ўтган йили 2200 та алоқа точкаси билан гаплашибмиз. Агар ўшалар билан танишиб чиқмоқчи бўлсангиз, мана бу карточкалар билан танишинг.

Радиоклубда жойлардан олинган жавоблар учун ҳам алоҳида журнал юритилади.

Радиоклуб жаҳондаги турли шаҳарлардан кунига 70-80 талаб жавоб мактубларини олиб туради.

Ана шу ёзишмалар область радио ҳаваскорлари билан жаҳондаги жуда кўп радио ҳаваскорлар ўртасида дўстлик алоқаларини тағин ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Яқинда клуб аъзолари Янги Зеландиядан чиройли бир открытка олдилар. Жон Риднинг расми туширилган бу открытка эса лондонлик радиоҳаваскордан келибди. Австралия, Нью-Йорк ва бошқа мамлакатлардан юборилган карточкалар ҳам эътиборни ўзига тортади. Радио куни арафасида Сан-Марино республикасидан ҳам табрик телеграммаси олинди.

Ҳуллас, клуб жаҳондаги 102 мамлакат билан дўстона алоқа қилиб турибди. Тошкентлик радиоҳаваскор В. Авдеевнинг ўзи бир йил ичида Чехословакия, Ҳиндистон, Греция, Конго, Кипр ва бошқа мамлакатлардаги ҳамкасб дўстларидан қимматли коллекциялар олди.

Область радиоклуби чинакам дўстлик марказига айланиб қолди. Клуб аъзолари радио кунини ана шундай қизғин ишлар билан кутиб олишди.

М. АҲМЕДОВ.



Тошкентлик радиоҳаваскор **Ш. Давликамов** жаҳондаги жуда кўп шаҳарлар билан алоқа қилиб туради. Бу суратда сиз уни Ҳинд океанидаги Мадагаскар ороли билан радиоалоқаси боғлаб турган пайтида кўриб турибсиз.

Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ).

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА

«Жангга кетаётирман. Мени коммунист деб ҳисоблашингизни сўрайман» — миллионлаб совет кишилари уруш йилларида Коммунистик партияга бўлган меҳр-муҳаббатларини ана шу оташин сўзлар билан ифодалаган эдилар.

Партия аъзолари составининг ярмидан кўпроғи Қизил Армия ва Ҳарбий-денгиз флоти сафларида олдинги сафда жанг қилди. Фронтлардаги катта қурбонларга қарамай уруш йилларида партия аъзоларининг сони 1 миллион 600 минг кишига кўпайди.

Коммунистик партиямиз Марказий Комитети Улуғ Ватан уруши йилларида партия ва халқнинг жанговар раҳбари бўлди, у немис-фашист босқинчиларига қарши кураш ва ғалабалар программасини ишлаб чиқди.

Минглаб партия ташкилотлари совет фронти орқасидаги жуда катта ишга раҳбарлик қилдилар, душман орқасида партизанлар ҳаракатини ташкил қилиб, унга бошчилик қилдилар, фронт учун янги резерв қўшинлар тарбиялаб етиштирдилар. Коммунистлар фашистлар Германияси устидан совет халқининг ғалабасини таъминлаш учун бутун куч ва қобилиятларини сафарбар қилиб, ғалабани, шунингдек урушдан кейинги мустаҳкам тинчликни таъминладилар.

Суратларда: Қизил байроқли танкчилар қисмида КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилиш пайти. Ўнгда гвардиячи жангчи Егор Усачев Германия чегарасида ярадор бўлиб, госпиталга жўнатилган эди. Берлинга ҳужум бошланган вақтда эса у муддатидан олдин ўз қисмига қайтиб келди ва рейхстаг деворига ўз фамилиясини ёзиб қўйди.

А. Морозов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЖАНГЧИ, ПЕДАГОГ

Жўра Шермуҳамедов менинг меҳрибон ўқитувчим бўлади. У кишига мен бир умр қарздорман. Лекин бугун мен устозимнинг педагоглик фаолияти ҳақида эмас, балки Улуғ Ватан урушида кўрсатган мардликлари, тинч турмушимизга фалокат солмоқчи бўлган манфур душманни қандай қилиб она тупроғимиздан қувиб чиқарганлиги ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман.

1941 йил. Фашист каллакесарлари хиёнаткорона бостириб кириб, бегуноҳ кишиларимизнинг қонини тўка бошладилар, қишлоқларимиз, шаҳарларимизни вайрон қилдилар. Ҳамма Ватан ҳимоясига отланди. Менинг меҳрибон устозим ҳам кадрдон ўқувчилари, жонажон мактаби қучоғини вақтинча тарк этиб фронтга отланди.

— 1943 йилнинг 30 июль куни, — эслайди устозим. — Бу кунни бир умрга ёддан чиқармайман. Шу куни катта жанг бўлди. Душманни Белград остоналаридан қувиб чиқариш, қарши ҳужумга ўтиш ҳақида қўмондонликдан буйруқ олган эдик. 932-ўқчи полкнинг пулемёт ротаси составида жангга кириб бир неча фашист газандаларини қириб ташладим.

Душман катта талофат кўрган бўлса ҳам тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатарди. Ҳар бир қарич ер учун беомон жанг кетарди. Қўшин қисмлари олдинга ҳаракат қилар, лекин душманнинг ўт очиш нуқталари ўзиюрар тўп билан ўт очиб олга силжишга тўсқинлик қиларди. Ж. Шермуҳамедов расчетидаги станокли пулемётнинг бронятешар ўқи билан душманнинг ўзиюрар тўпи пачақлаб ташланди, совет жангчиларининг олга силжишларига имкон яратиб берилди.

Жангда оғир ярадор бўлган Ж. Шермуҳамедов бир кўзидан айрилди. Узоқ вақт Саратов шаҳридаги госпиталларда даволанди. Соғайгач фронтга боришни сўради. Аммо врачлар уни фронт орқасидаги хизматларга жўнатишди. Жангдан у Қизил Юлдуз ордени тақиб қайтди.

Душман янчилиб, диёримизда яна тинч меҳнат бошлангач устозим ҳам жонажон мактабига, қадрдон коллективи қучоғига келди. Яна ўқитувчилик қилабошлади.

Мен у киши билан ёнма-ён туриб ёшларимизга билим бермоқдаман. Ҳали-ҳали устозимдан маслаҳатлар олиб тураман, дарс бериш методини, тажрибасини ўрганаман. Устозим сингари ажойиб шогирдлар етиштирсам дейман.

Жангчи педагог ҳозирда Октябрь районидаги 111-мактабда ўқитувчилик қиляпти. Ўртоқ Шермуҳамедовнинг кўп йиллик меҳнатлари муносиб тақдирланди. Энди унинг кўкрагида Қизил Юлдуз ордени ёнида «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» ва «Шавкатли меҳнат учун» медаллари порлаб турипти.

Ҳ. ДАМИНОВ,
Тошкентдаги 111-ўрта мактаб илмий бўлим мудири.

УРУШНИНГ ОХИРГИ КУНИ

Урушнинг охирги йили... Қўшинларимиз сиқуви остида куни битган фашистлар ғарбга томон чекинаётган вақтлар. Болтиқ бўйидаги фронтда ҳам оғир жанглар борарди шу пайтда. Немис қўмондонлиги ҳар қандай воситалар билан катта қурбонлар бериб бўлса ҳам, қисмларимиз ҳужумини қайтаришга интиларди. Гитлердан ҳам худди шу мазмунда буйруқ олган эди у. «Курляндия группировкаси»ни ташкил қилган энг зарбдор гитлерчи дивизиялар ишга солинди. Ҳар бир фашистнинг чап енгида «курлянд» деган сўз ёзиб қўйилган эди. Катта тайёргарликлар кўрилганига қарамай, улар совет қўшинларининг ҳужумини қайтариша олмади. Иккинчи Болтиқ бўйи фронтининг қўшинлари душман мудофаасини қадамба-қадам суриб Ғарбга томон олға борарди.

Ўша вақтда мен 254-гвардиячи ўқчи полкининг батальонига командирлик қилардим. Душман замбарагини ўз танаси билан беркитиб катта жасорат намунасини кўрсатган Александр Матросов ана шу полкнинг жангчиси бўлган эди. Батальонимиз дивизия қўмондонлигининг махсус топшириқларини аъло даражада бажарар ва бу билан 56-гвардиячи Смоленск дивизиясига ҳужум йўлини очиб борарди. Александр Матросов ўлимидан сўнг батальон жангчи ва командирлари қаҳрамон қабри устида душмандан қасос олишга қасамёд қилдилар.

Шундан сўнг биз жуда кўп жангларда қатнашдик. Лубания ботқоқликларидан ўтиш ва Рига шаҳрини озод қилишда қатнашиб, ажойиб қаҳрамонлик кўрсатган гвардиячи қисмимиз Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Шундан сўнг орден тақилган гвардия байроғи Болтиқ денгизи қирғоқлари устида ҳилпирай бошлади. Совет Иттифоқи Қаҳрамони, армия генерали А. И. Еременко гвардиячи қисмимиз тўғрисида ўша вақтда бундай деб ёзган эди: «Лубания ботқоқликлари орқали ўтиш чинакам жанговар қаҳрамонлик бўлди. Лубаниядан ўтишда қатнашган жангчи ва командирларга шон-шарафлар бўлсин! Улар жангчи ва командирлар, рус солдатининг шон-шарафини ерга букмадилар. Улар Суворов давридан буён рус солдати учун ўтиб бўлмайдиган тўсиқ йўқ, деган ҳақиқатни яна бир марта тасдиқладилар».

... 1945 йилнинг баҳорида биз сўнгги ҳал қилувчи ҳужумларга отландик. Урушнинг ана шу даври энг оғир бўлди, чунки совет армияси Германиянинг ҳаётий марказлари томон ичкари кириб бориши билан фашистларнинг қаршилиги тобора ашаддий тус ола борди.

Буни биз турган фронт участкасида ҳам кўриш мумкин эди. Немис қўшинлари Курляндияда қуруқликдан келадиган ёрдамдан маҳрум бўлиб, денгизга қисиб қўйилган эди. Улар совет ерининг энг охирги километрларига тиш-тирноқлари билан ёпишиб олиб, қаршилик кўрсатардилар. Биз қамалда қолган душманни тор-мор келтиришга тайёргарлик кўра бошладик.

Апрель ойининг охирида фашистларнинг Курляндия группировкасини йўқотиш учун қақшатгич жанглар бошланиб кетди. Бизнинг батальонимизга қарши немислар резерв полки жанг қиларди. Полкка ашаддий фашист, бутун Европани айланиб чиққан полковник Мюллер қўмондонлик қиларди. Бу полк Авуци қишлоғи ва бошқа аҳоли пунктларини яна қўлга киритишга қайта-қайта уриниб кўрди, лекин бўлмади.

4 май куни фронтимиз қўмондонлиги немис қўмондонлигидан ўт очишни тўхтатишни талаб қилди ва бундан буён қаршилик кўрсатишнинг бемаъни иш эканлигини айтиб, ультиматум юборди. Шундай қилинганда немис солдат ва офицерларининг ҳаёти сақлаб қолинарди. Совет таклифини муҳокама қилиш учун бир сутка вақт берилди. Лекин фашистлар одилона талабимиздан воз кечиб, ўт очишни давом эттирдилар. Немис группировкасининг қўмондони Берлинга, Гитлердан маслаҳат олиш учун учиб кетди ва ўз ўрнига штаб генерали Эйзерни қолдирди. Немис генерали бундан буён совет қўшинларига қарши ўт очиш ва жангни давом эттириш бемаънилигини тушуниб, бизнинг ультиматумни қабул қилди.

Урушнинг охирги кунлари бутун икир-чикиригача хотирамда сақланиб қолган.

Тарихий 1945 йилнинг 8 май куни одатдан ташқари осойишта эди. Мен батальоннинг кузатув пунктига барвақт келдим. Бир вақт телефон жиринглаб қолди. Биринчи Матросов ротасининг командири, гвардия капитани Новиков: менинг ротам қаршисида турган немислар оқ байроқ кўтардилар, деб айтди ва нима қилиш кераклигини сўради. Мен, бизнинг ультиматумимизни бир марта қайтарган эди фашистлар, буйруқ берилишини кутиб туринг, деб жавоб бердим. Шундан сўнг иккинчи ва учинчи рота командирлари ҳам шу мазмунда хабар келтиришди. Немислар енгилганликларини тан олишга қарор қилганга ўхшайдилар, деб ўйладим.

Мен бу ҳақда полк командири гвардия полковниги Авдеевга хабар бердим. Ундан жавоб келгунга қадар атиги 5-10 минут вақт ўтган бўлса ҳам, бу муддат бизга жуда узоқ кўринди. Ҳаммамиз нима бўлишини кутиб турардик. Ниҳоят радио орқали полковникнинг овозини эшитдим. У Ҳарбий Кенгашда мени яраш тўғрисида музокаралар олиб бориш учун парламентер қилиб тайинлашганини айтди.

Бу мен учун кутилмаган бир ҳол эди. Мен нима қилишимни, душман билан нималар тўғрисида музокаралар олиб боришни билмай қолдим. Мендан катта командирлар билан, ҳатто полкимиз командири билан ҳам маслаҳатлашиб олиш учун вақт йўқ эди.

Мен ўша вақтда ҳали 24 ёшга тўлмаган ҳам эдим. Бутун уруш давомида олдинги сафда бўлдим, бўлинмага командирлик қилдим, разведкачи бўлиб бир неча марта душман орқасига бориб келдим. Лекин парламентер вазифасини ҳалигача бажарганим йўқ эди.

Дурустроқ ўйлаб олганим ҳам йўқ эдики, немис парламентерлари бизни нейтрал зонада кутиб туришганидан хабардор қилишди. Мен ўз ёрдамчим Малинкин билан душман турган жойга қараб йўл олдим. Кетатуриб, бутун батальон жангчиларига ҳар эҳтимолга қарши ўт очишга тайёр туриш ва агар бу ишларнинг ҳаммаси душманнинг иғвоси бўлиб чиққан тақдирда эса дарҳол ўт очиш ҳақида буйруқ бердим.

Ниҳоят белгиланган жойга етиб келдик. Қаршимизда фашистлар армиясининг парад формасини кийиб олган кексароқ полковник икки офицер ва таржимон турарди. Мен эса Совет Армияси майорининг оддий дала формасида эдим. Полковник ҳайрон бўлиб менга қаради:

— Неча ёшга киргансиз, жаноби майор.

— Ғолиб келган солдат учун бунинг аҳамияти йўқ, деб жавоб бердим.

Полковник бироз жим туриб, кейин менинг ўғлим ҳам эҳтимол, сизнинг тенгдошингиздир, деб қўшиб қўйди.

— Ўғлингизга айтинг, — деб шу ондаёқ жавоб қилди Малинкин, — ҳар қандай ёшда ҳам мамлакатимизга қарши уруш бошлаш ақлдан эмас.

Шундан сўнг полковник фон Мюллер: Курляндия группировкаси штабининг вакили сифатида шуни маълум қиламанки, қўмондонлик сизнинг ультиматумингизни қабул қилади ва ўт очишни тўхтатишга розилик беради. Қамалда бўлган қўшинлар группасининг шахсий составининг ҳаёти сақланиб қолинади, деб гарантия беришингизни сўрайман деди. Мен ҳам фронтимиз Ҳарбий Кенгаши номидан қамалда қолган душман солдатларига ана шундай гарантия берилади, деб айтдим.

Бироз жимликдан сўнг немис полковниги дала картасини менга кўрсатиб, группа қўмондонлиги билан музокаралар олиб бориладиган жойни картадан кўрсатишни сўради. Бундай учрашув армия штабида ўтказилади, деб жавоб бердим. Шундан сўнг Мюллер ўз қўмондони генерал Эйзерни учрашувимиз ҳақида хабардор қилди. Генерал эса бутун қўшинларига фронт бўйлаб ўт очишни тўхтатиш ҳақида буйруқ берди.

Мен ҳам қўмондонликка учрашув тўғрисида маълумот бердим. Мен ўз парламентерлик вазифаларимни бажаришни яна давом эттирдим. Немислар мудофаа қилиб турган районнинг ичкарисига, штабга бориб, у ерда генерал Эйзерь ва бошқа немис генераллари билан учрашдим. Генерал урушдан батамом тор-мор қилинганлигини тан олишга мажбур бўлди. Немислар қўшини бутунлай асир олинди.

Бундан 20 йил муқаддам 8 май кунини мен ана шундай ўтказгандим.

А. САРКИСЯН,
А. Матросов номидаги 254-гвардиячи полки батальонининг собиқ командири.

ШОҲИ ҚИЙИҚ

(Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган акам хотирасига).

Сиз кетдингиз, дилимда ғашлик,
Кўзларимда томчи ёш қолди.
Ҳижрон билан соғинч туташди,
Ҳамроҳ бўлиб тош бардош қолди.
Ипакларга сингдириб меҳрим
Чок тикардим тунлари уйғоқ.
Қатимларга қўярдим зеҳним,
Ва исмингиз ёзардим: «Фаттоҳ».
Белингизга бўлсин деб қувват
Шоҳи қийиқ тикиб, юбордим.
Жавобингиз кутардим, шум хат
Жудоликнинг доғига солди.
Акажоним, шоҳи қийиғим
Сизни излаб тополганмиди?
Ёки мудҳиш портлаш қуйини,
Тўзонларда топталганмиди?
Йўқ, топталмас, топталмас ахир
Қалбим қўри, кўзим нури у.
Қалб топталмас, нур сўнмас ахир,
Меҳрингиздай мангудир, мангу!
Қайда оқди қутлуғ қонингиз?
Кўзларимга суролмадим мен.
Қайси тупроқда мозорингиз?
Гул чамбарлар қўйолмадим мен.
Белингизга боғламоқ бўлиб,
Тиккан эдим, шоҳи қийиқча.
Энди уни юзимга суриб,
Термуламан, кўзим тингунча.

Эътибор ОХУНОВА.

ЕР ОСТИДАН ҲУЖУМ

Бу воқеа 1941 йил декабрь ойида, Ленинград фронтининг участкаларидан бирида бўлиб ўтган эди. Қисмларимиз душман ҳужумини қайтариб атакага ўтиш ҳақида буйруқ олдилар. Қўмондонлик Золот дарёси нариги қирғоғидан душманларни қувиб чиқариш вазифасини қўйди.

Жанг бошланиб кетди. Немислар турган жойни эгаллаш учун қилинган дастлабки ҳаракатлар натижа бермади. Ҳамма ҳужумларимиз фашистлар ёндирган ўқлар ёмғирига дуч келиб муваффақиятсизликка учради. Қудратли ўт очиш нуқталари билан ўраб олинган тепаликни эгаллаш ғоят мушкул иш эди. Шунда саперлар замбарак отувчиларга ёрдамга келишди. Улар немислар томонига ер остидан ўтиб, тепалик остига миналар қўйиш ва бу билан унинг кулини кўкка совуришни мақсад қилиб қўйган эдилар.

Ана шу жангда тошкентлик инженер, ҳозир отставкадаги подполковник И. Кулибоев ҳам қатнашган эди.

— Ер ости туннелини қазиш, деб ҳикоя қилади И. Кулибоев. — кечаю-кундуз давом эттирилди. Қаттиқ совуқ туриб, ботқоқли жойлардаги тупроқ музлаб қолган эди. Ана шу қийинчиликларга қарамай, биз олдинга қараб борардик. Ҳамма жангчилар мўлжалланган тепаликка тезроқ етиб олиб, қисмларимизнинг ҳужумга ўтишига йўл очиб бериш учун зўр бериб ҳаракат қилар эдилар. Иш тамом бўлишига бир неча кун қолганда немис разведкаси саперлардан бири — оддий солдат Кузнецовни қўлга туширди. Лекин бу ҳам ишни тўхтатмади. Биз сапер душманга тепалик остига ўтказилаётган 900 метрлик ерости туннели тўғрисида ломмим деб оғиз очмаслигига ва бу сирни ошкор қилмаслигига ишонар эдик.

1943 йилнинг 23 февраль куни — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни нишонланаётган бир вақтда портлаш овози эшитилди. Қўшинимиз инженерларининг режаси тўла амалга ошди. Душманнинг ўт очиш нуқталари яксон қилинди ва улар тупроқ остида қолиб кетди. Қисмларимиз ҳужумга ўтиб, тепаликни эгаллашди ва немисларни дарёнинг нариги томонига улоқтиришди.

Душмандан озод қилинган жойда Кузнецовнинг жасади топилди. Фашистлардан қолган ҳужжатлардан биз мард сапер кўрсатган қаҳрамонликнинг бутун тафсилотини билиб олдик. Немислар жангчимизни қўлга тушириб, ундан ўзлари учун зарур маълумот олмоқчи бўлганлар. Лекин у бу тўғрида оғиз ҳам очмаган. Шунда душман ўз мақсадига етиш учун уни оғир қийноқларга дучор қилган. Фашистлар аввал унинг бир қўлини, кейин иккинчи қўлини чопиб ташлашган. Солдат жим тураверган. Қутурган фашистлар жангчининг оёқларини ҳам кесиб ташлаб, унинг жасадини ўрага ташлаб юборганлар.

...Жангчиларимиз қийнаб ўлдирилган саперниг қабри устида узоқ жим туриб қолдилар. Ҳар биримиз ўз дўстимизнинг ўлими учун фашистлардан қасос олишга қасамёд қилдик. Кейинчалик биз Кузнецовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон берилганлигини эшитдик.

Қўшин инженери И. Кулибоев урушнинг оғир синовли йилларида ана шу қасамёдга тўла амал қилди. У Ленин ордени, Александр Невский ордени, Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз ордени, иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши ордени билан, тўртта жанговар медаль билан мукофотланган. Булар ўзбек жангчиси кўрсатган жасорат учун берилган тақдирномалардир.

В. ШЕВЦОВ,
ЎзТАГ мухбири.

МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИДА

Чирчиқ шаҳар ўлкашунослик музейи заллари ҳозир одатдан ташқари гавжум. Бу ерга ҳар куни химиклар, студентлар, ўқувчилар келишади. Бунинг сабаби бор. Тошкент танк мактаби гвардия лейтенанти, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ана шу мактабда тарбия кўрган Вольдемар Шаландин жасоратини акс эттирувчи диаграмма макетни музейга совға қилди.

Шунингдек музейга урушда қатнашган Чирчиқ гражданларининг жасоратини кўрсатувчи фотосуратлар, хариталар ва бошқа экспонатлар ҳам қўйилган. Музейнинг махсус залидаги кўргазма эса «Улуғ Ватан уруши тасвирий санъат асарлари»дан деб аталиб, унда совет кишиларининг уруш йилларида мардлиги ва кураши ифодаланган.

О. ЛЕВАК.

ОИЛА АЛЬБОМИ

...Дўстимнинг онаси Тожихон ая жуда аломат аёл. Қариндош-уруғлари унга «хонадонимиз архивининг мудири», ёки «бизнинг справка бюромиз» дейишади тегажоғлик қилишиб.

Шунақа дейишганича бор. Тожихон аянинг архивида шу хонадон кишиларига доир қирқ беш йилги ҳар хил ҳужжатлар, фото расмлар, турли-туман ёзишмалар, ҳатто... Тожихон аянинг умр йўлдоши марҳум Тошхўжа Орифхоновнинг юқори ташкилот томонидан шаҳардан қишлоққа юборилгандаги командировка қоғозининг «нодир» нусхаси ҳам сақланади.

Дарвоқе, Тошхўжа Орифхоновнинг номини тилга олдик. Тожихон ая бизни унинг ҳаёти, иш фаолиятига доир ҳужжатлар, расмлар билан таништирди. Олдин расмларни кўрдик. Вақт ўтиши билан бирмунча уринган бу расмда Тошхўжа ака Йўлдош Охунбобоев ёнида ўтирибди.

— Мана бу киши Михаил Иванович Калинин, — дейди аллақандай ғурур билан ая ва қўшимча қилади, — Бухорода бўлган Советларнинг биринчи съездида тушишган...

Тожихон ая расмларни ёнбошга олиб қўйиб, ҳужжатларни варақлайди. Уларнинг бирида бундай деб ёзилган эди:

«Тошхўжа Орифхонов ишчи-деҳқон қизил аскарлиги хизматидан қайтгач 1924 йилгача аввал Чимкент горисполкоми раисининг ўринбосари, кейинчалик КПТ(б) Чимкент горкомида ишлаган. У 1924 йилда Тошкентга ишга чақирилади ва Туркистон республикаси сиёсий оқартув бюросининг раиси бўлиб ишлайди. Шу билан бирга у Туркистон халқ маорифи комиссарлар совети коллегия аъзоси бўлиб ҳисобланади. Кейинчалик, Тошхўжа Орифхонов Тошкент область партия комитетида агитпропнинг мудири вазифасида хизмат қилади.

Тошхўжа Орифхонов Тошкент область ер бўлимининг мудири, Коопхлопбюро президиумининг аъзоси ҳам бўлган.

Ўша ҳужжатда яна бундай иборалар бор. Тошхўжа Орифхонов гражданлар урушидан кейинги тинч қурилиш йилларида, халқ хўжалигини қайта қуриш даврида юз берган қийинчилик пайтларда, қулоқларга қарши кураш ва коллективлаштириш бошланаётган оғир йилларда ҳамиша область миқёсидаги раҳбарлик ишларда ўз вазифасини муваффақиятли адо этиб келди.

—Тошхўжа акангиз бир кун оғзи қулоғида хурсанд бўлиб келдилар, — ҳикоя қилади Тожихон ая, — ҳа намунча, дедим кутиб олаётиб. «Йўлдош акамлар билан бирга Мирзачўлга бордик». Чўлга борганингизга шунча хурсанд бўлаяпсизми, десам бўладими. Жуда хафа бўлиб кетдилар. «Биласанми, Мирзачўл яна йигирма-ўттиз йилдан кейин қанақа жой бўлади, ёруғ дунёнинг жаннати ўша ердан бошланади» дедилар. Сиз жаннатга ишонмасдингиз-ку, дедим яна ҳазиллашиб. «Мен нариги дунёнинг жаннатига ишонмайман, лекин одамларнинг жаннатлар пайдо қилишига ишонаман». Шунақа, жуда аломат одам эдилар Тошхўжа акангиз...

Тожихон ая шу гапларни айта туриб кўз косалари намланди. У ўзини тутиб олгач «бўлганларида ҳозирги ишларни кўриб қанақа суюнардилар-ки...» деди.

Бугунги кенг кўчалар, осмон ўпар баланд иморатлар, кўз илғамас экинзорлар, жаннатни мафтун қиладиган боғлар бўлишини истаган, орзу қилган, буларнинг албатта бунёдга келишига ишонган эдилар ўша пайтда бугунги фаровон ҳаётимиз пойдеворини қўйган ўт юрак, меҳнатсевар кишилар. Шуларнинг бири Тошхўжа Орифхонов эди. У 1942 йилда ғайрат-шижоатга тўлиб тошган бир пайтда оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Юқорида айтилган гаплар Тошхўжа ака таржимаи ҳолининг бир шингили. Уни варақлайдиган бўлсак... Ҳа, вақти-соати келиб варақланади, шунда ажойиб саҳифалар кўз олдингиздан ўтади.

Оилада сақланиб келаётган альбомнинг Улуғ Ватан уруши йилларига доир саҳифаларини очамиз. Кўз олдимизда кенг елкали забардаст йигитнинг сиймоси пайдо бўлади.

— Бу киши Омонулло Орифхонов, Тошхўжа акангизнинг укалари, — тушунтиради Тожихон ая.

Омонулла Орифхонов 1933—1936 йилларда ҳарбий ҳаво билим юртининг курсанти, ўқишни тугатгач, у авиация старший лейтенанти бўлган ва Улуғ Ватан уруши фронтларида 1942 йилгача қирувчи учувчи бўлиб хизмат қилган. Омонулла жонажон Москва осмонини душман галаларидан қўриқлаш вақтида қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Унинг биттаю-битта қизи Дилором Орифхонова отаси изидан бориб Москвадаги авиация—техника институтини бу йил битиради ва авиаконструктор бўлиб чиқади.

— Мана бу Саъдулла Жалилов...

Танк қўшинлари капитани Саъдулла Жалиловни бу оилада «Жаҳонгир» деб айтишади. Ҳақиқатан ҳам шундай дейишганча бор. Ҳасан кўли жангида, Халхин — Голда, 1939 йилда Польшани озод қилишда, 1940 йилда Фин фронтида иштирок этган Саъдулла Улуғ Ватан урушида қаҳрамонларча жанг қилиб, Киев бўсағаларида ҳалок бўлган.

— Мана бу Хайрилла Мажидов, менинг укам...

Танк қўшинлари старшинаси бўлган бу баҳодир йигит 1942 йил 19 ноябрда Сталинградда қаҳрамонларча урушиб ҳалок бўлган.

Шу оиланинг аъзолари, химия мудофааси қўшинлари старший лейтенанти Одил, сержантлар Обод, Насим, Зуҳур Орифхоновлар ҳақида гап очиб қўйди-ю, Тожихон ая бир тарзи бўлиб кетди. У анча вақт жим бўлиб қолди.

— Қандай ажойиб йигитлар эди улар, — деди ниҳоят, — урушнинг бети қурсин...

Бу гапни ҳозирги пайтда барча оналар қўлларини мушт қилган ҳолда баланд овоз билан айтмоқдалар. Айниқса, Улуғ Ватан уруши тугаганига 20 йил тўлаётган, буюк ғалабамиз нишонланадиган кун яқинлашаётган шу кезларда оналар, оталар, ака-укалар, опа-сингиллар, қайлиқлари фронт майдонида, жангу-жадал тўфонида арслондек курашиб ҳалок бўлган кишиларининг руҳини ёд этиб, уларни эсламоқдалар, қабрига дилдан, қўл билан гулчамбар қўймоқдалар.

— Биласизми, уруш бўлмаганда Тошхўжа акангизнинг кичик синглиси Арзанда ким бўлиб етишарди, — дейди куйиниб Тожихон ая, — у уруш бошланган йили Москвада ўн йиллик мактабни битирган эди. Москвани душмандан қўриқлашда халқ мудофаачилари билан биргаликда иштирок этган. 1941 йилда Москва ҳарбий дарё флотилиясида москваликлар билан елкама-елка туриб душманга қарши курашган. Ундан ҳам қора хат олганман...

Орифхоновлар хонадонининг аъзоларидан бири, ғолиблар байроғини Берлингача кўтариб борган старший сержант Зиёвиддин Орифхонов ҳозир Чимкентдаги саноат корхоналаридан бирида ишламоқда.

Тошхўжа аканинг ўғли Камол Орифхоновнинг ҳаёти жуда ғалати.

— Камол тушмагур мени ёмон куйдирган, — дейди Тожихон ая, — бир куни почтальон бир парча қоғоз бериб кетди. Ўқисам қора хат. Войдод, Камолгинамдан ажраб қолибман, деганимни биламан, ҳушимдан кетибман қолибман. Қўни-қўшнилар ёнимга кириб, уйга олиб киришибди, ётқизишибди.

Мана шу қора хат келган Камолбой фан кандидати бўлиб юрибдилар, — кулиб дейди Тожихон ая.

Камол Орифхонов ҳарбий-денгиз флоти қисмларида шимолий Кавказ фронтидаги Майрамадок қишлоғида оғир ярадор бўлади. Кимдир суруштирмай-нетмай уни ўлдига чиқаради, қисм командирига хабар қилади. Қарабсизки, Тошкентда қора хат пайдо бўлади. Тожихон ая ўғлидан қора хат олиб ҳушидан кетган пайтда ўғли ҳушига келиб, ҳарбий госпиталда оёққа турган эди. Мана шу қора хат эгаси Камол шўхоқар Терекдан Эльбагача борди. Камол Орифхонов яқинда биология фанлари кандидати деган унвон эгаси бўлди.

Орифхоновлар оиласининг бир группа аъзоси Улуғ Ватан уруши фронтларида газанда душманни ўз инигача қувиб боришда жанг қилган бўлса, бир группаси фронт орқасини мустаҳкамлаш, ғалаба кунини яқинлаштириш мақсадида меҳнат фронтида жанговар иш олиб борди.

Йигирма олти илмий экспедициянинг қатнашчиси, биринчи ўзбек аёл сайёҳи Муҳаррам Орифхонова Улуғ Ватан уруши йилларида ёш мутахассис кадрларни тарбиялашда яхши ишлар қилди. Шу билан бирга у ўз устида қунт билан ишлаб 1942 йилда биология фанлари кандидати деган илмий даражани олишга муяссар бўлди. Тошкент давлат университетининг доценти Муҳаррам опа яқинда биология фанлари доктори деган юксак илмий даражани ўзбек аёллари ичида биринчилар қатори олди.

Муҳаррам опанинг синглиси, Тошкент Политехника институтининг доценти Мапура Орифхонова 1944 йилда физика-математика фанлари кандидати бўлган эди. У шу кунларда, улуғ ғалабанинг йигирма йиллиги нишонланаётган кунларда география фанлари доктори деган унвонни олиш учун ҳозирлик кўрмоқда.

Орифхоновлар оиласи Улуғ Октябрь қуёшидан нур эмган миллион-миллион оилаларнинг бири. Шу сабабли Тожихон ая:

— Октябрь инқилоби бўлмаганда фан докторлари даражасига эришган сингилларим кимларнинг қўлида чўри, укаларим эса чоракор бўлиб юришарди, — дейди.

Тошхўжа Орифхонов уйида сақланаётган альбомдан олган қисқача таассуротимиз шу. Бу ҳужжатларни кўз қорачўғидек асраётган, ўғил-қизларининг ўқиб, олим, олима бўлишида моддий ва маънавий ўгит бераётган Тожихон ая олдида бу оиланинг ҳар бир аъзоси чин кўнгилдан қуллуқ қилади. Биз ҳам:

— Раҳмат, яшанг Тожихон ая, — деб айтамиз.

С. МАҲКАМОВ.

ФРАНЦУЗ ЖУРНАЛИСТЛАРИ ТОШКЕНТДА

«Франс Пресс» агентлигининг президенти ва бош директори Жан Марен ва шу агентликнинг ходими Бернар Киршнер Тошкентга келдилар. Меҳмонларга Совет Иттифоқи бўйлаб қиладиган сафарида ТАСС бош директорининг ўринбосари А. А. Вишневский ва Ғарбий Европа мамлакатлари редакциясининг мудири А. А. Баранов ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси З. И. Есенбоев, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти раиси Ҳ. Шукурова, ЎзТАГ директори Ғ. Нажимов кутиб олдилар.

Француз журналистлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри С. О. Азимов ҳузурида бўлдилар.

Француз журналистлари Ўзбекистонда бир неча кун бўладилар.

(ЎзТАГ).

ТИНЧЛИКНИНГ ДОВЮРАК КУЙЧИСИ

3 майда Ўзбекистон Ёзувчилар Союзида катта учрашув маросими бўлди. Бу ерда машҳур Чили шоири ва публицисти «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотининг лауреати Пабло Неруда шоирлар, ёзувчилар, олимлар билан учрашди.

Бу ажойиб мароқли учрашув—дўстлик даврасида ҳамма юрак сўзларини айтишга орзиқар эди.

Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи правлениесининг биринчи секретари Комил Яшин Пабло Нерудани ўзбек қалам соҳиблари номидан табриклар экан:

— Сизни, довюрак қалам қаҳрамонини бу ерга келишингиз билан чин юракдан қутлаймиз. Сизнинг Совет Ўзбекистонига бўлган муҳаббатингиз Ғафур Ғулом, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор каби етук шоирларнинг шеърларини испан тилига таржима қилишингиздан ҳам маълумдир.

Комил Яшин ўзбек совет адабиётининг тарихи ва ҳозирги замон Совет Ўзбекистони адабиёти ҳақида сўзлаб берди. У Пабло Нерудага мурожаат қилар экан, сизнинг келишингиз Ўзбекистон ёзувчиларининг V съезди ва Ўзбекистонда Украина адабиёти ва санъати ўн кунлиги ўтадиган ойга тўғри келди, деб айтди.

Ўз навбатида Пабло Неруда меҳр кўзлари билан бу ерга келганида уни кутиб олинганда тақдим қилинган гуллар Чили боғларидаги гулларга ўхшашлигини, гул эса тинчликнинг, дўстликнинг рамзи эканини айтди. Пабло Неруда испан ёзувчиларининг аянчли аҳволи, капиталистик давлатларда ёзувчилар қийин шароитда ижод қилишларини сўзлаб берди.

Мақсуд Шайхзода ўз сўзини «Партбилет» қасидасидаги мана шундай жанговар сатрлар билан бошлади:

Эшитаман —
жаҳоннинг энг кекса инқилобчиси —
XIX асрдан бери коммунист
Елена Стасова оғзидан
Ленин ҳақида таассуротин
Парижда коммунист Пикассо
— давримизнинг буюк рассоми —
— ўз ишхонасида менга таништирар
Оқ кабутарлар суратин.
Ифтиҳор-ла очганимда билетимни мен,
сўзлашаман президент Хо-Ши-Мин билан,
Сайр этиб кезаман Ханой шаҳрини,
Чилида ўтириб мунаққаш айвонда
тинглайман —
Пабло Неруданинг эркин шеърини.

Мақсуд Шайхзода Пабло Нерудага ўзининг бу шеърини тақдим қилади.

Фан докторлари Иззат Султон, Воҳид Зоҳидов, шоир Асқад Мухтор жаҳон адабиётининг дўстлиги ҳақида, адабиёт тарихи ва ҳозирги замон адабиётининг аҳволи ҳақида Пабло Неруда билан фикр алмашдилар.

«Тошкент» нашриётининг директори, шоир Рамз Бобожон бу йил ўзбек тилида Пабло Неруданинг асарлари нашр қилинишини айтиб, ҳаммани хурсанд қилди.

Учрашувда Ҳамид Ғулом, Сергей Бородин, Лазиз Қаюмов, Туроб Тўла, Г. П. Владимиров, С. Муҳамедов ва бошқа ўзбек ёзувчилари, адабиётшунослари қатнашдилар.

Азиз меҳмонимиз Пабло Неруда Самарқанд — Бухоро сафаридан қайтгандан кейин яна Тошкентда бир неча кун бўлиб, ўзбек ёзувчиларининг ижодхоналари билан танишади.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Суратда: **Пабло Неруда** ўзбек ёзувчилари орасида.

Б. Мазур фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

● Янгийўл районидаги «Ленинград» колхозида очилган кутубхона пахтакорларга намунали хизмат қилмоқда.

Т. ИМОМОВ.

● Яқинда қатнайбошлаган 83-маршрутли автобус Беруний майдонида Чилонзор, Домбробод, Фрунзе номли колхоз территориясидан ўтиб Янгийўл орқали Халқобод комбинатига бормоқда.

Н. Қодиров, Х. Сайдалиев.

● «Партия XXI съезди» ва «Қорасув» совхозлари оралиғида янги автобус қатнайбошлади.

Я. Уринбоев,
Калинин районн.

ТОШКЕНТ ГАРНИЗОНИ ҚЎШИНЛАРИГА БУЙРУҚ

1965 йил 7 май № 28. Тошкент шаҳри.

1965 ЙИЛ 9 МАЙ ПАРАДИ ТУҒРИСИДА

§ 1.

1965 йил 9 майда совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозонган Ғалабасининг 20 йиллиги нишонланадиган куни Тошкент шаҳридаги В. И. Ленин номли майдонда Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради ўтказилади. Парад эрталаб соат 9 да бошланади.

Парадни Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали И. И. Федюнинский қабул қилади.

Парадга қўмондонлик қилиш вазифаси менга юклатилган.

§ 2.

Қисм командирларига линейнийлар юбориш ва қўшинларни белгиланган вақтда тасдиқланган расчёт бўйича парадга олиб чиқиш вазифаси топширилсин.

§ 3.

Артиллерия салюти менинг кўрсатмаларимга мувофиқ берилсин.

§ 4.

В. И. Ленин номли майдонда тартибни сақлаш бўйича умумий раҳбарлик қилиш Тошкент шаҳар гарнизони комендaнти подполковник И. С. Рижикка топширилсин.

ТОШКЕНТ ГАРНИЗОНИ БОШЛИҒИ, ТУРКВО ҚЎШИНЛАРИ ҚЎМОНДОНИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ

Л. БАУКОВ.

УНИНГ МУЗИКАСИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА

П. И. ЧАЙКОВСКИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 125 ЙИЛЛИГИГА



...«Евгений Онегин», «Оққуш кўли», «Уйқудаги гўзал», фортепиано билан оркестр учун ёзилган биринчи концерт... Ана шу ажойиб музика асарларини, улардаги жозибали куйларни неча минглаб кишилар севиб тинглайди. Турли мамлакатлардаги опера ва балет театрлари уларни саҳналаштирган. Деярли ҳар куни радиодан биз учун ғоят таниш бўлган симфония, қўшиқ ёки бўлмаса жозибадор рақс куйлари янграйди. Бу сеҳрли музика оламининг буюк ижодкори Петр Ильич Чайковский туғилган кунга бугун 125 йил тўлди.

Бундан юз йил муқаддам Чайковский ўзининг биринчи симфоник асари — «Момақалдироқ» увертюрасини ёзган эди. Ўша вақтдаёқ бу асар музика шинавандаларининг таҳсинига сазовор бўлди. Ўтган асрнинг 60-йилларида композитор Глинка ва Даргомижский асос солган илғор рус музикаси анъаналарининг муносиб давомчиси сифатида майдонга чиқди. Унинг турли хил музика жанрларида ёзган жуда кўп асарларида илғор ғоялар билан умри битган ғоялар, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш ўз аксини топган. Чайковский ўзининг дастлабки асарларидаёқ гўзаллик ва прогрессив ғояларнинг буюк ҳимоячиси эканлигини намойиш қилди. Чайковский музикасида рус халқининг руҳи тўла намоён, унда рус ва украин халқ қўшиқлари ва куйларидан ижодий тарзда кенг фойдаланилган.

Буюк композитор муттасил 28 йил давом этган ижодий фаолияти даврида ўнта опера, учта балет, саккизта симфония, учта фортепиано концерти, скрипка, виолончель ва бошқа музика асбоблари учун ёзилган кўплаб музика асарлари, юздан ортиқ қўшиқ яратди.

Унинг «Евгений Онегин», «Пиковая дама», «Мазепа», «Черевички» сингари опералари жаҳон опера санъатининг классик намуналари қаторига киради. «Евгений Онегин» операси композитор ижодида муҳим ўрин эгаллайди. Бу асар А. С. Пушкиннинг худди шу ном билан аталадиган машҳур шеърий романи асосида яратилган. В. Г. Белинский рус ҳаётининг қомуси деб атаган бу романни Чайковский музикага туширдигина эмас, балки уни янги замонавий ғоялар билан бойитди. Айниқса операдаги Татьяна образи муваффақиятли чиққан. Унинг оҳангдор арияларида эҳтиросли ва жўшқин муҳаббат ҳис-туйғулари мужассамланган. Пушкиннинг бошқа бир асари — «Пиковая дама» қиссаси асосида ёзилган опера ҳам мелодияларга бойлиги, руҳий фожианинг тўлақонли акс эттирилганлиги, бош қаҳрамонлар — Герман ва Лиза образларининг эса ғоят пухта ишланганлиги билан ажралиб туради.

Чайковский балетлари ҳам ана шу мураккаб ва гўзал санъатнинг умуман жаҳон классик музикасининг дурдоналари ҳисобланади. «Оққуш кўли», «Уйқудаги гўзал», «Шчелкунчик» балетлари ҳақли равишда жаҳон балет саҳнаси усталарининг ғоят севимли асарларига айланган. Улардаги жозибага тўла нозик вальс, полька ва мазуркалар, скрипка, виолончель ёки флейта асбобларида ижро этиладиган куйлар беихтиёр кишини ўзига мафтун этади, Якка чолғу асбобида ижро этилган рақслар эса қудратли оркестр садолари билан қўшилиб кетади.

Фортепиано билан оркестр учун ёзилган 1 концерт, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи симфонияларда композиторнинг Ватанга, халқига бўлган чексиз муҳаббати, оддий кишиларнинг қувончи ва қайғуси бадиий жиҳатдан мукаммал музикавий образларда ифодаланган.

Россияда музика санъатини ривожлантиришга бениҳоя катта ҳисса қўшган композиторнинг асарлари ҳаётлиги давридаёқ кенг шуҳрат қозонган эди. Ҳозирда ҳам улар ер юзидаги минглаб кишиларнинг севимли асарларига айланган. Совет композиторлари ҳам Чайковский мерос қилиб қолдирган музикавий традицияларни давом эттирмоқдалар. Композитор Б. В. Асафьев айтганидек, бутун совет халқи унинг асарларини куйлайди, эшитади, ўрганади ва севади. Унинг музикаси миллионлар қалбида янграмоқда.

И. СУЛТОНОВ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ БИРДАМЛИГИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ҚАТНАШИШ УЧУН

СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Ф. А. Табеев бошчилигидаги Совет делегацияси Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги IV Конференциясида қатнашмоқ учун 5 майда Москвадан Аккрага жўнаб кетди.

Делегация составида Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети президиумининг аъзоси Н. Жандильдин, бирдамлик Совет комитети раисининг ўринбосари, СССР Фанлар академияси Осиё халқлари институтининг директори Б. Ғ. Ғафуров, бирдамлик Совет комитети раисининг ўринбосари ёзувчи Ч. А. Айтматов, ВЦСПС секретари К. А. Гусейнов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Х. Абдуллаева ва бошқа кишилар бор. (ТАСС).

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА СОВЕТ РЕЗОЛЮЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ

НЬЮ-ЙОРК, 5 май. (ТАСС). Хавфсизлик кенгашининг неча кундузги мажлисида СССР вакили Н. Т. Федоренко Доминикана Республикасининг ички ишларига АҚШ қуролли йўл билан аралашаётганлиги тўғрисидаги масала юзасидан резолюция лойиҳаси тақдим этди.

Хавфсизлик кенгаши, дейилади лойиҳада, АҚШ Доминикана Республикасининг ички ишларига қуролли йўл билан аралашаётганлиги тўғрисидаги масалани қараб чиқиб:

1. АҚШ Доминикана Республикасининг ички ишларига қуролли йўл билан аралашаётганлигини БМТ уставини қўпол равишда бузиш, деб қоралайди;

2. АҚШ қуролли кучларининг Доминикана Республикаси территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетилишини талаб қилади.

Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг зарбалари

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Америка интервенциячиларининг қўшинлари бугун танклар ва реактив самолётлардан фойдаланиб, Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг Да Нангдан тахминан 50 миля шимолдаги районга жойлашган позицияларига ҳужум қилди. Информация агентликларининг хабар беришича, душанба куни ана шу районда АҚШ денгиз пиёда қўшинларининг бир отряди дом-дараксиз йўқолган. Бугунги ҳужум ана шу отряднинг қисмати нима бўлганлигини аниқлаш мақсадида қилинди. Отишма вақтида уч америкалик жароҳатланди.

Партизанлар отряди Сайгондан 130 километр ғарби-жанубда ҳам Жанубий Вьетнам қўғирчоқ ҳукуматининг қўшинлари позициясига ҳужум қилди. Натижада Сайгоннинг 15 солдати «дом-дараксиз йўқолди».

Бугун партизанлар Сайгондан 40 километр шарқи-жанубда душман билан отишма олиб бордилар.

АМЕРИКА ПАРАШЮТЧИЛАРИ ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА

НЬЮ-ЙОРК, 5 май. (ТАСС). Бугун эрта саҳарда Американинг 1.200 га яқин парашютчиси Сайгон яқинидаги Бьен-Хоага ва Вунг-Таога туширилди. Уларни америка транспорт самолётлари Американинг Окинава оролидаги базасидан олиб келди.

Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Бьен-Хоадан берган хабарида айтилишича, бугун кун бўйи Американинг 3.500 га яқин парашютчиси Жанубий Вьетнамга олиб келинади.

«СОВЕТ ХАЛҚИ ЎЗИНИНГ ПРОЛЕТАР БУРЧИНИ БАЖАРДИ»

ПХЕНЬЯН, 5 май. (ТАСС). Корея Халқ армиясининг ҳарбий қисмларидан бирида ўтказилган тантанали йиғилиш совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозонган ғалабасининг 20 йиллигига бағишланди.

Йиғилишда сўзга чиққан офицер Ю Хо Чун бугун совет халқини ва унинг қуролли кучларини ана шу шонли кун билан қизғин табриклади ва совет халқи ҳамда унинг қуролли кучлари гитлерчилар Германиясига қарши урушда ўзининг социалистик ватанини шараф билан ҳимоя қилибгина қолмай, балки ўзининг пролетар интернационал бурчини ҳам жуда яхши бажарди, деб таъкидлади. Ю Хо Чун Совет Иттифоқи ва Корея халқлари ўртасидаги дўстлик ва жипслик империализмга қарши, тинчлик, социализм ва коммунизм учун биргаликда олиб борилаётган курашда бундан буён ҳам равожланиб, мустаҳкамланиб боради, деб ишонч билдирди.

ДОМИНИКАНА РЕСПУБЛИКАСИДА

ПАРИЖ, 5 май. (ТАСС). Доминикана Республикасининг муваққат президенти Франсиско Кааманьо, деб хабар беради Франс Пресс агентлигининг мухбири Санто—Домингодан, кеча ўз бошчилигидаги ҳукуматнинг министрлари тайинлади.

Хетту Тури Ташқи ишлар министри, полковник Мануэль Монтес Мудофаа министри қилиб тайинланди.

Франсиско Кааманьо Доминикана Республикасининг янги ҳукумати тузилганлиги тўғрисида Америка давлатлари ташкилоти билан ҳеч қандай музокаралар олиб бормаслик ҳақида янги ташқи ишлар министрига кўрсатма берди.

Мухбирнинг хабар беришича, Америка давлатлари ташкилотининг Санто—Домингода бўлган комиссияси республикада конституцион тузумнинг тикланишига қарши чиқаётган ҳарбий хунта аъзолари билан учрашган.

УРУШ ОЛИБ БОРИШГА ЯНГИДАН ПУЛ АЖРАТИЛДИ

ВАШИНГТОН, 5 май. (ТАСС). Вакиллар палатаси молия комиссиясининг кичик комиссияси президент Жонсоннинг сўровига биноан АҚШнинг Вьетнам ва Доминикана Республикасидаги операциялари учун 700 миллион доллар миқдорида қўшимча маблағ ажратилишини кеча маъқуллади.

ИРОҚНИНГ ШИМОЛИДАГИ АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Байрутдан хабар беради: мавжуд маълумотларга кўра, Ироқ ҳукуматининг қўшинлари Шимолий Ироқдаги бешта вилоятнинг ҳаммасида курд қабилаларига қарши уруш ҳаракатлари олиб бормоқда. Хабарларда таъкидлаб айтилишича, курд қўзғолончиларининг партизан отрядлари бир қанча жангларда ҳукумат қўшинларининг жонли кучига жиддий талафот етказганлар.

Ироқ самолётлари курд қишлоқларига ҳужум қилишни давом эттирмоқда. Ироқ қўшинларининг бўлинмалари уч қишлоқни ёндириб юборганлиги маълум қилинади.

Ироқ армиясининг бўлинмалари курд қўзғолончиларига қарши жанг ҳаракатлари олиб бораётганини тасдиқлаш учун ҳанузгача Ироқ ҳукумати бирон расмий ахборот эълон қилгани йўқ. Хабар беришларича, уруш ҳаракатлари ҳақида бирон бир янгиликнинг Ироқ газеталари саҳифасида чиқиб қолишига йўл қўймаслик юзасидан цензуранинг кўраётган қатъий чоралари Ироқ шимолида уруш қандай бораётганлиги ҳақида нормал тасаввур ҳосил қилишни мушкуллаштириб қўймоқда.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

7 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Ёш радиочилар** (мактаб ўқувчилари учун). 18.35 — **Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 19.00 — Совет халқининг буюк ғалабаси. 19.15 — **Хатга жавоб** (Совет телевидениеси ҳақида). 20.00 — **Радио кунига бағишланган** кеча (Навоий номли театрдан), танаффус вақтида — **Телевизион янгиликлар.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.55 — Мактаб ўқувчилари учун. **А. С. Попов** («Ажойиб кишилар ҳаёти» циклидан).

Рус тилида: 19.25 — **Комсомол жанговар қурилишларида** («Ёшлик» студияси). 19.45 — **Александров номли Қизил Байроқли ашула ва рақс ансамбли.** 20.35 — **Тинчликнинг биринчи куни** (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/V да **Юлдузлар жамоли**, 8/V да **Мирзо Улуғбек.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/V да **Нодира**, 8/V да **Ўғил уйлантириш.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 9/V кеч соат 8 да **Ўзбек давлат филармонияси ва эстрада артистларининг** Ғалаба кунининг 20 йиллигига бағишланган **концерти.** Билетлар сотилмоқда.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

САНЪАТ САРОЙИДА — кундуз соат 2 ярим, 5, кеч 7 ярим ва 9 яримда панорамали фильм **Ажойиб ов.**

Жангчи отаси — НАВОИЙ номли (кундуз соат 4-40 ва кеч 6-40 минутда).

Чол билан кампир бўлган экан — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 7 гача), «СПУТНИК» (кундуз 1,5 ва кеч 10 да).

Ойдин саҳифа — ўзбек тилида: НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим, 3-20 минут, 5 ва кеч 8-20 минутда), рус тилида: «СПУТНИК» (кундуз 12, 3, кеч 7 ва 9 да).

Сув ости кемаси-9 — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб 10 да).

Аҳмад қани? — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Биринчи қор — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Актриса — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да).

Чин инсон қиссаси — «МОСКВА» (кундуз соат 4 да).

Шаҳримиз йигити — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 яримда бошланади)

Жангчи отаси — «ФЕСТИВАЛЬ».

Тирикларга мактуб — КАФАНОВ номли.

Қўғирчоқлар кулади — 1 МАЙ номли.

Ўғил қайдадир — «УДАРНИК».

Давлат жиноятчиси — ТЕЛЬМАН номли.

Актриса — НАВОИЙ номли.

Кел, Мухтар! — ПУШКИН номли.

Ганга ва Жамна (1 ва 2-серия) — «ВАТАН».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
8, 9 майда
ҚИШКИ МАВСУМНИНГ ЁПИЛИШИ.
Белорус цирки
АРТИСТЛАРИНИНГ
ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛИ.
Белоруссия ССРда хизмат кўрсатган артист
АНАТОЛИЙ ШАГ
АТТРАКЦИОНИ
Томошалар давомида — қизиқчи **В. Колобов** қатнашади.
8/V да томошалар кеч соат 8 да, 9/V да — кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да бошланади.
Билетлар эрталаб соат 11 дан кеч 6 гача сотилади.

Кинофильмлар прокати
Ўзбекистон конторaси
КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА
ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРАДИ:

Тикланган музика
Кенг экранли фильм
Сценарий автори—**Александр Гладков.**
Постановкачи — **Виталий Аксёнов.**
Р о л л а р д а:
Р. Спасская, В. Семёнов, В. Федорова, А. Кожевников.
«Ленфильм» киностудияси ишлаган.



Юрагингдан сўра
Сценарий автори — **А. Галиев.**
Режиссёр-постановкачи — **Эмир Файк.**
Р о л л а р д а:
С. Столяров, К. Столяров, Н. Шорина, Н. Бармин, Т. Конова ва бошқалар.
«Қозоқфильм» киностудияси ишлаган.

Лимонадли Жо
Кенг экранли фильм
Сценарий автори — **Иржи Брдечка.**
Режиссёр — **Олдржих Липский.**
Р о л л а р д а:
Карел Фиала, Ольга Шоберова, Квета Фиалкова, Милош Копецкий, Карел Эффа.
Чехословакия фильми.

Шайтонча
Сценарий автори — **Сабри Иззат.**
Режиссёр — **Камол Ашшайх.**
Р о л л а р д а:
Муҳаммад Яҳё, Самира Аҳмад, Камол Ашшиннави, Ҳасан Юсуф.
БАРнинг «Ғамал Аллайси» киностудияси ишлаган.

Япония урушларда
Япония фильми.

Калинин район, Қуйлиқ қишлоқ советидаги Навоий кўчаси, 19-уйда турувчи **Виталий Степанович Округиннинг** Комсомол кўчаси, 50-уйда турувчи Раиса Григорьевна Округинадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Обсерватория кўчаси, 4-уйда турувчи **Наталия Ароновна Левшинанинг** 2-Ульяновский переулок, 21-уйда турувчи Михаил Абрамович Межековскийдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Жарқўча, 8-тупик, 19-уйда турувчи **Абдураҳмон Солиҳовнинг** Тошкент область Янгийўл районидаги Коммунизм қишлоқ совети территориясида турувчи Мунаррам Солиҳова (Аҳмедова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Рубинштейн кўчаси, 4-уйда турувчи **Нурулла Тошмуҳамедовнинг** Фурқат кўчаси, 125-уйда турувчи Матлуба Азимжоновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Моторная кўчаси, Моторний проезд, 5-уйда турувчи **Эшназар Эргашевич Бобоназаровнинг** шу проездаги 12-а уйда турувчи Сайёра Мансуровна Бобоназарова (Ҳошимова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Калинин район, Қуйлиқ посёлкаси, Максим Горький кўчаси, 15-уйда турувчи **Турғуной Анваровнанинг** Тошкент шаҳар, Дўмбиработ, Олтинкўл кўчаси, 22-уйда турувчи Тошкенбой Садраимович Ҳамдамовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь—34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—31936. Партия турмуши бўлими—26232. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 01905. Индекс — 64969. Нашр, № 1754.